ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

*** Қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, октябрь ойида бутун ҳосилимизни йиғиб-териб олайлик. *** Суръатга суръат қўшайлик. Бунинг учун „зангори кема“лар юксак унум билан ишласин! Ҳар бир теримчи, шаҳарлик ёрдамчилар ўз нормасини ошириб бажарсин, уюшқоқлик, интизомлилик намунасини кўрсатиб ишласин. Кунига 2—3 процент ва ундан ошириб пахта тайёрлайлик. Терим суръатининг тушиб кетишига мутлақо йўл қўймайлик. *** *Партиямиз XXIII съездини меҳнатда янгидан янги ғалабалар билан нишонлайлик!***

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 234 (13.190).
6 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Ҳар гектар ердан 27 центнердан «оқ олтин» териб олинди ва Ватан омборига 4.281 тонна дур тўкилди.

Колхоз аъзолари давлатга яна 1.500 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

* * *

Навоий районидаги йирик пахтакор хўжалик «Нарпай» совхозининг 1 ва 4-бўлимлари коллективлари пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар. 1-бўлим пахтакорлари 910 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 19,6 центнердан пахта териб олдилар ва давлатга 1.786 тонна «оқ олтин» сотдилар. Тайёрланган пахтанинг 900 тоннаси «зангори кема»ларда териб олинди.

5 ОКТЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

Тошкент	2,36	82,73	2,81	87,85
Қашқадарё	1,34	77,87	0,82	34,16
Бухоро	1,30	72,35	0,68	23,73
Фарғона	1,76	70,36	2,57	58,57
Сурхондарё	2,18	67,33	3,04	65,17
Самарқанд	2,40	63,15	2,63	40,86
Андижон	2,01	61,72	2,80	42,48
Хоразм	2,21	56,95	1,76	29,90
Қорақалпоғистон АССР	2,18	51,68	2,05	31,15
Сирдарё	3,06	49,78	4,33	62,11
Ўзбекистон бўйича:	2,11	64,54	2,74	51,88

Республикада 4 октябрь куни 76019 тонна пахта тайёрланди.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ОЙЛИН ЙЎЛИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми экономикамиз тараққиётининг ойдин йўлини белгилаб берди. Пленум ишлаб чиққан тадбирлар ҳаёт тақозоси билан кўндаланг бўлиб турган мураккаб, муҳим масалаларни илмий жиҳатдан пухта, Владимир Ильич Ленинга хос заковат ва башорат билан, Владимир Ильич Ленин сингари матонат ва жасорат билан ҳал этишнинг ёрқин намунасидир.

Эндиликда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва миқёслари кенгайиб кетди. Индустриямиз тараққиётига жуда кўп миқдорда капитал маблағ сарфланмоқда. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқаришга илм-фан ва техника ютуқларини жадаллик билан жорий этиш, саноат маҳсулотининг сифатини кўтариш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш туб, ҳаётий масалалардир.

Бу муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун саноатни ишнинг кўзини билиб, пухта, оператив бошқариш, расамади билан, иқтисодий имконият ва резервларни юз бор ўлчаб, планлаштириш лозим бўладики, токи социалистик хўжалик юритишнинг улуғвор афзалликлари тўла-тўкис юзага чиқсин. Бунинг шарофати билан эса ишлаб чиқаришнинг самарасини ошириш, миллий даромадни янада кўпайтириш, сертармоқ саноатимиз тараққиётига тобора кўпроқ маблағ ажратиш, халқ фаровонлигини янада кўтариш мумкин бўлади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари билан ўтказилаётган хўжалик ислоҳотининг моҳияти шундаки, у давлат миқёсида планлаштиришни хўжалик ҳисобидаги корхоналар иши билан ўзаро чамбарчас боғлайди. Саноат тармоқларини марказлаштирилган усулда бошқаришни маҳаллий хўжалик ташкилотларининг ташаббускорлиги билан омухта этади. Корхоналарни бошқаришдаги якқабошчилик принципи ишчи ва инженер-техник ходимларнинг билими ва савиясига, ташаббускорлиги ва ижодкорлигига суяниб амалга оширилади.

Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан тадбирлар совет давлатининг иқтисодий қудратини янада юксак поғонага кўтаради, халқ фаровонлигини янада ўстиришни таъминлайди, коммунистик қурилиш вазифаларини янада муваффақиятлироқ ҳал этишга ёрдам беради.

Бутун мамлакат саноати сингари Ўзбекистон индустрияси ҳам йилдан-йилга тобора юксалиб бормоқда. Етти йиллик мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми 1,8 баравар ортиши кўзда тутилмоқда. Экономиканинг юраги бўлган энг муҳим саноат тармоқлари — энергетика, машинасозлик ва ёнилғи индустрияси, айниқса, тез юксалмоқда. Аммо шунга қарамасдан ҳали саноатимизда қўл техникаси қолмаган, ишга солинмаган имконият ва резервлар кўп. Саноатни бошқариш системасини ҳадеб ўзгартираверишдан республика ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлди. Кейинги етти йилда бошқариш системаси Ўзбекистонда тўрт марта ўзгарганини айтиб ўтиш кифоя. Илмий жиҳатдан пухта асосланмасдан ўтказилган қайта қуришлар кўп вақт ва маблағ талаб этган бўлса ҳам, кўзда тутилган мақсадларга эришиб бўлмади.

Республикамиздаги айрим саноат тармоқлари, хусусан газ, енгил ва озиқ-овқат индустрияси имкониятларга ва ҳом ашё ресурсларига яраша ривожланмаётган экан, буни саноатга раҳбарликдаги камчиликлар билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, республикамизнинг табиий газ манбалари беҳисобдир. Аммо танг қоладиган ери шундаки, ёнилғи конларини экономика эҳтиёжлари учун тайёрлаш суст бормоқда. Чунки геологик ташкилотлар юқори босим учун чидамли арматураларга ва қудуқ қазишнинг мукаммал технологиясига эга эмаслар. Шу боисдан ҳам чуқур қудуқлар қазиш имконияти йўқ. Еки енгил, озиқ-овқат саноат тармоқларини олайлик. Маълумки, Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий «оқ олтин» кони, пилланинг анчагина қисмини ҳам республикамиз меҳнаткашлари етказиб берадилар. Ўзбекистон мамлакатга йилдан-йилга тобора кўпроқ сабзавот, мева-чева, узум, гўшт, сут, жун тайёрлаб бермоқда. Лекин саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғланиб кетган шу тармоқлари бошқа тармоқларга нисбатан суст ривожланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон тўқимачилик саноати аҳолининг газламага бўлган талабини тўлиқ қондирмаётганлигини, шунинг учун ҳам бошқа иқтисодий районлардан кўп маблағ сарфлаб газлама ташиб келтирилаётганини айтиб ўтиш лозим. Хом ашё ва меҳнат ресурслари мўл-кўл бўлган республикамизда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Юқоридаги каби камчиликларнинг содир бўлишига, жумладан саноатга раҳбарликда тармоқ принципидан воз кечиш сабаб бўлди. Оқибатда, ўртоқ А. Н. Косыгиннинг Пленумдаги докладида таъкидлаб ўтилганидек, раҳбарлик савияси пасайиб кетди, ягона техника сиёсати юргизиш мушкуллашди, малакали кадрлар тарқалиб кетди, бошқаришнинг кўп босқичли системаси вужудга келди. Мана шуларнинг ҳаммаси масъулиятсизликка, масалаларни келишиб олиш учун бениҳоя кўп вақт сарфлашга ва раҳбарлик қилишда оперативчиликни йўқотиб қўйишга олиб келди.

Эндиликда саноатга раҳбарликни яхшиламоқ мақсадида тармоқ принципи асосида министрликлар тузилади. Министрликлар ишлаб чиқаришни планлаштириш, унга раҳбарлик қилиш билан шуғулланадилар ҳамда техника сиёсати, моддий техника таъминоти, пул таъминоти, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ҳал этадилар. Бу эса корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ишини енгиллаштиради. Министрликлар муайян тармоқларнинг ривожланиши учун батамом жавобгар бўладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида аҳолига хизмат кўрсатиш учун катта аҳамиятга молик бўлган маҳаллий саноатни ривожлантиришда республика органлари зиммасига катта вазифалар юкланиши таъкидлаб ўтилди. Маълумки, маҳаллий саноат корхоналари Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёрига бериб қўйилган, улар кенг истеъмол буюмларининг кўп турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйдилар. Республика Маҳаллий саноат министрлигининг, жойларда эса область бошқармаларининг тузилиши шарофати билан бундай ҳолларга батамом чек қўйилади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми корхоналар фаолиятини ҳаддан ташқари чеклаб қўйишга барҳам бериш керак, деб топди. Корхоналар учун юқоридан тасдиқланадиган план кўрсаткичлари қисқарди. Эндиликда корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур маблағларга эга бўладилар. Фойда, нарх-наво, мукофот, кредит сингари муҳим иқтисодий воситалардан фойдаланиш яхшиланади.

Сентябрь Пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек, хўжалик ва планлаштирувчи органлар планлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда зўр эпчиллик ва оперативчилик кўрсатишлари, ресурсларни моҳирлик билан ишлатишлари, ишлаб чиқаришни аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига яраша уюштиришлари, хўжалиқ ҳисобини мустаҳкамлашлари, фан-техника ютуқларини тез жорий этишлари, корхонанинг конкрет шароитларида хўжалик вазифаларини ҳал этишнинг энг яхши усулларини топа билишлари керак.

Маълумки, корхоналарга илгари ялпи маҳсулот ҳажми бўйича план белгиланарди. Бунинг оқибатида айрим саноат корхоналари тайёрлаган сифатсиз маҳсулотлар омбор ва дўконларда босилиб ётар, улардан харидор безиб қолган эди. Эндиликда ишлаб чиқариш ва истеъмолни ўзаро маҳкам боғлаш мақсадида завод-фабрикаларга сотиладиган маҳсулот ҳажми бўйича план белгиланадиган бўлди. Демак, корхоналарнинг раҳбарлари ва ходимлари ишонч ва масъулиятга яраша ишлашлари, маҳсулот сифатини кўтариш, турларини кўпайтиришни асосий вазифа деб билишлари, аҳоли эҳтиёжини тўла ҳисобга олиб боришлари лозим.

Корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш билан бир қаторда, партия ва ҳукуматимиз ишлаб чиқариш, техника тараққиёти, капитал маблағлар, нархнаво, меҳнатга ҳақ тўлаш каби тараққиётнинг бош йўлларини планлаштиришда ягона сиёсат ўтказаверади.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми тарихий қарорларини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистик қурилишда янги, муҳим босқич бўладиган, экономикамизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган тарихий тадбирларни амалга ошириш ишчилар синфининг шарафли бурчидир.

Жонажон партиямизнинг XXIII съездини буюк меҳнат зафарлари билан кутиб олайлик!

Жиззах районидаги «Пахтакор» совхозининг далаларида ҳозир 130 «зангори кема» сузмоқда. Суратда: мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган пешқадам механик-ҳайдовчи С. Холиқов иш устида.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



СУБУТ БОРМИ?

Агар пахта териш машинасининг моҳияти тўғрисида сўз очилгидек бўлса, бу машина шаънига таҳсинлар ўқишда «Узсельхозтехника»нинг Пастдаргам район бирлашмаси бошлиги Ўртоқ Н. М. Китайгарнинг олдига тушадиганлар топилмаса керак. У, бармоқларини бир-бир букиб, бу ажойиб машина фазилатларини сира эринмай кетма-кет баён этиб берали. Райондаги аксарий хўжаликлар раҳбарлари ҳам худди шу фикрда эканликларини билдирадилар.

Бу — яхши. Лекин ҳар куни «зангори кема»лар бункерларидан агдарилаётган пахта салмоғини кўздан кечирган киши юқоридаги гапларнинг сохталигини, бу баландпарвоз сўзлар ўз-ўзини юпатиш учун айтилаётганини дарҳол сезиб олади.

Аввало шуни айтиш керакки, районда пахтани машинада теришга суст ҳозирлик кўрилди, терим агрегатлари ремонти асоссиз равишда кечиктириб юборилди.

Районда 9 та терим машинаси ҳамон ремонтдан чиқарилмаганлигини қандай баҳолаш керак? Энг ачинарли ери шундаки, тўла қувват билан ишлаши мумкин бўлган 195 терим агрегатидан 145 тасигина пахта теряпти, холос. Ҳўш, 50 машина нега ишлатилмади? Бу саволга жавобан район қишлоқ хўжалик бошқармаси раҳбарлари ҳам, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ходимлари ҳам бир-бирларига қараб елка қисишади.

Кўпгина хўжаликларда пахта тераётган агрегатларнинг иш унуми ҳаддан ташқари паст бўлаётир. Масалан, сентябрнинг сўнгги ўн кунлигида Куйбишев номли колхозда 35 терим агрегатидан 28 таси ишлаб, кунига атиги 28 тонна пахта териб олинади. Ҳўш, нега шундай бўлди? Дефолиация ёмон ўтказилганми? Йўқ, бу соҳадаги план ҳам оширибоширилган. Ган шундаки, колхоз раҳбарлари (раиси Қ. Шодмонов, инженери Ж. Садинов ўртоқлар) пахтани машинада теришга ўтакетган даражада лоқайдлик билан қарамоқдалар, суръатни оширяш, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш билан жиддий қизиқмаётирлар. Бу хўжаликда машина терими плани барбод берилаётганининг боиси ҳам шунда. Калиниш номли колхоз раҳбарлари эса машина теримига ажратилган бир қисм майдондаги ҳосилни қўлда тердириб юборишиб, терим машиналари йўлига ғов бўлдилар.

Райондаги «Коммунизм» колхозида ҳам «зангори кема»лар тўла қувват билан ишлатилаётгани йўқ. 11-бригада даласида тўхтаб турган терим машинасига дуч келдик. Инженер Ўртоқ Норовдан бунинг боисини сўраганимизда, у машинанинг магнити носозлигини айтди. Шундай қилиб, иш бошлаганига эндигина бир ҳафта бўлган агрегатни пайкал четига чиқариб қўйишга тўғри келди. Бу, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси устахоналарида «мендан кеттунча, эгасига етгунча» қабилида қилинган ишларнинг касри эмасми? Ана шундай ачинарли фактлар Ленин номли колхозда ҳам содир бўлянти.

Шунга ўхшаш сабаблар билан, «Москва», Киров номли колхозларда ҳамда «Улуғ» совхозида машина терими графиги бажарилмай қолянти. Агрегатларнинг унумли ишлаши юзасидан контроль ўрнатмасликдан, ўзибўларчилик кайфияти ишга путур етказмоқда. Машина терими графиги ҳар куни атиги бир ярим процент атрофида бажарилаётгани бунга далил бўла олади. Район партия, совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари терим агрегатларининг тўла ва унумли ишлаши таъмин этилмаса, ўтган йилги хатолар шубҳасиз такрорланиши мумкинлигини эсда тутишлари лозим. Дарҳақиқат, баҳорда берилган ваъда — 11.300 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар бункеридан тўкиш ҳақидаги сўзнинг устидан чиқиш шу кунларда сабот ва матонат кўрсатиб ишлашга боғлиқ.

Л. ЭРГАШЕВ,
О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

КРЕМЛДА МОДИБО КЕЙТА ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

МОСКВА, 4 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 4 октябрда Катта Кремль саройида Судан иттифоқи партияси Бош секретари, Мали Республикасининг президенти ва ҳукуматининг раиси Модибо Кейта шарафига зиёфат бердилар. Модибо Кейта Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан расмий визит билан Москвага келган эди.

Самимий, дўстлик вазиятида ўтган зиёфат вақтида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев ва Судан иттифоқи партиясининг Бош секретари Модибо Кейта нутқ сўзладилар.

Л. И. Брежнев ва Модибо Кейта ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Л. И. БРЕЖНЕВ Я. КАДАР БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев 4 октябрда Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Янош Кадар билан учрашди.

Қардошларча дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида ҳар икки партияни қизиқтирувчи масалалар, шунингдек халқаро аҳвол ва коммунистик ҳаракатга доир баъзи бир муҳим проблемалар муҳокама қилинди. (ТАСС).

ЯНГИ УФҚЛАР

УРГАНЧ. («Совет Узбекистони» мухбиридан). Хоразм область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Ёшларнинг гояий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу темада область партия комитети секретари Р. Жуманиёзов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессияси қарорларини меҳнаткашларга кенг тушунтириш, ёшларнинг куч-ғайратини партиямиз олдинга сурган энг муҳим вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилиш кераклигини таъкидладилар.

«ЛУНА-7» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва Қуёш системаси планеталарини тадқиқ этиш программасига мувофиқ, 1965 йил 4 октябрда Совет Иттифоқида Ой томон космик ракета учирилди.

Космик ракета ичига 1506 килограмм вазнли «Луна-7» автомат станцияси ўрнатилган.

Космик ракета кўп босқичли ракета ёрдами билан учирилди. Ракетанинг сўнгги босқичи, аввало, Ер сунъий йўлдошининг оралиқдаги орбитасига чиқарилди, шундан кейин эса, берилган программага мувофиқ, автомат станцияни Ой томон ҳаракат траекториясига олиб чиқди.

Телеметрик ўлчаш аппаратлари ва илмий аппаратлар парвоз программасига мувофиқ, автоматик тарзда, шунингдек Ердан бериладиган радиокомандалар билан ишлаб туради.

«Луна-7» автомат станциясининг парвозини кузатиб туриш, унинг траекторияси параметрларини белгилаш, илмий ахборотни Ерда қабул қилиб туриш махсус ўлчаш комплекси томонидан амалга оширилади. «Луна-7» автомат станциясининг ҳаракати мўлжалга яқин траекторияга бўйлаб давом этмоқда.

«Луна-7» станцияси 1965 йил 4 октябрь Москва вақти билан соат 17 да Ер сатҳининг координатлари 113 градус 2 минут шарқий узунликда ва 13 градус 20 минут шимолий кенгликдаги нуқтаси устида Ердан 67.300 километр масофада учиб борар эди. «Луна-7» автомат станцияси ичига ўрнатилган аппаратларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган ахборотларнинг ҳаммасини ишлаб чиқмоқда.

Фахрий КИТОБ САҲИФАСИ

Машинада ким қанча пахта терди?

С. ТОЛМАСОВ — Самарқанд область, Нарпай районидаги Киров номли колхоз механик-ҳайдовчиси 150 тонна

Б. ОЛИМОВ — Қашқадарё область, Янкабог районидаги Энгельс номли колхоз механик-ҳайдовчиси 109 тонна

С. АВЛАМЕТОВ — Андижон область, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг механик-ҳайдовчиси 107 тонна

С. ЭШДАВЛАТОВ — Самарқанд область, Нарпай районидаги «Самарқанд» колхозининг механик-ҳайдовчиси 104 тонна.

У. НАРЗИЕВ — Бухоро область, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг механик-ҳайдовчиси 79 тонна.

Т. ЖАМИЛОВ — Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Пахтаобод» колхозининг механик-ҳайдовчиси 76 тонна.

Г. МАТЕҚУБОВА — Хоразм область, Ҳазорасп районидаги Ждонов номли колхоз механик-ҳайдовчиси, 73 тонна.

Ш. РУЗИМОВ — Хоразм область, Шовот районидаги Чкалов номли колхоз механик-ҳайдовчиси 72 тонна.

А. ТОШЕВ — Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Пахтаобод» колхозининг механик-ҳайдовчиси 72 тонна.

К. САМАНДАРОВ — Хоразм область, Янгиариқ районидаги «Победа» колхозининг механик-ҳайдовчиси 70 тонна.

РЕПОРТАЖ

Ҳорманг энди

«План тўлибди, довон ошибмиз!» дея далага, теримчилар олдига чопар келган кун деҳқон қай аҳволга тушмайди, дастлаб ҳаёлидан, кўз олдидан нималар ўтмайди, нималарни ўйламайди?!

Агар шу деҳқон ўрнида Фарғона область Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг бирор ишчиси, боринг ана, механизатор Қурбон Кенжаев ёхуд теримчи Бодомхон Усмонова ёинки қирқцентнерчи бригадир Мардон Султонов бўлса, уларнинг ҳаёлидан нималар ўтган бўларди... Одамларнинг юрагида ётган гаплар... Уларнинг тетиклиги, матонати, бардоши... Ғўзанинг «қўнглини», одамларнинг дилидагини, ернинг «тили»ни топгани... Шиддату-шитоб билан ўтган тунлар... Ҳисоб-китоб билан оқарган тунлар... Уларни унутиб бўлармиди...

Ҳали деҳқон димоғидан ивитилган чигит ҳиди кетмаган, ер бетини 3-4 тадан чинбарг чиқарган нўчатлар текис қоплаган чоғлар эди. Совхоз пахтакорлари кенгашиб олишди. Бир-бирларига юранларида ётган гапларни тўкиб солишди: қачонгача ерга нуқул селитра-ю, суперфосфат соламиз, шўринг қўргур ер озиб, қотиб кетади-ку. Ота-боболаримиз шу ердардан ҳозиргидан яхшироқ ҳосил олишарди-ку. Нега энди биз еримизга гўнг солмаймиз, маҳаллий ўғитдан юз ўгирамиз? Селитра сотиб олгунча, қаёққа ташлашни билмаётган маҳаллий ўғитимизни далага чиқарсак-чи?..

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти пахтакорларни тўплаб, шу хусусда маслаҳатлашиб олишди. Режа тузиб чиқилди. Ҳисоб-китоб қилиб кўриб, агар ҳар гектар ҳисобига 3-4 тоннадан гўнг чиқариб, ғўзанинг парваришини ўрнига қўйсак, «шарбат»дан баҳраманд қилсак, 30 центнерни таъминлайдиган ҳосил тўплашимиз мумкин экан, деган хулосага келинди. Шундай мажбурият қабул қилинди. Ташаббус ана шундай туғилди.

Унинг натижасини совхоз пахтакорлари кўллари билан тутиб, кўзлари билан кўриб турибдилар.

Мана, пахта тайёрлаш плани тўлди. Уртача ҳар куни 3 вроцентдан пахта тайёрланди. Даргалар эса машина терими планини 20 кунга ҳам қолмай адо этиб қўйишди. Машиналар бункеридан йиллик планнинг 8-8,5 процентини миқдорида пахта тўкилган кунлар ҳам бўлди. Бунақа суръатни совхоз пахтакорлари шу йил кўриб туришибди. Илгари бунақаси бўлмаганди. Совхоз пахтакорлари теримга тушиш процентини сентябрда йиғиб олишни мўлжаллашган эди. Ваҳолонки, план сентябрь ичида қарийб юз бўлди. Пахта фақат юқори сортларга топширилди. Ҳали далада ҳосил кўп. Ёғинсочинли кунларгача у ҳам далада қолмайди. Шунча ишларни дўндирган пахтакорлар бунга ҳам қодир.

Ниғим-терим давридаги бундай мисли кўрилмаган уюшқоқлик, кўтаринкилик, юқори суръатнинг боиси нима? Одамлар кайфиятининг яхшилиги. Шу кайфият яхшилиги учун ҳам теримда унум бўлди, машиналар пахтазорда бетиним жавлон урди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада 10 ишчи кунида 122 тонна пахта сотиб, планни энг олдин бажарди. Қурбон Кенжаевнинг ўзи шу кунгача машинаси бункеридан 150 тоннадан ортиқ пахта тўкди.

Турсунбой Уроқов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада ҳам маррага биринчилар қаторини етиб келди. Бу бригада шоввозлари 40 гектар ернинг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар. Совхозда бундай 40 центнерчи бригадалар бу йил кўпайиб қолди. Мардон Султонов, Тожибой Ҳанимов, Олим Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар катта хирмон тикладилар.

План тўлди. Лекин далалар туну-кун уйғоқ. Чунки ҳали далада ҳосил кўп. Ҳали мажбурият турибди. Ваъда эса 30 центнер.

М. МАНСУРОВ.
«Совет Узбекистони» мухбири.

КПСС МК СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

САНОАТИМИЗНИНГ РАВНАҚИ УЧУН

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий стимуллари — социалистик экономиканинг коммунизм сари ҳаракат қилиб боришининг қудратли воситасидир. Шу билан бирга, партия меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш йўлини бундан буён ҳам доим амалга оширa беради.

(КПСС МК сентябрь Пленуми қароридан).

НАМАНГАНЛИКЛАР СЎЗИ

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленуми саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги съездини 1966 йил 29 мартда чақиришга қарор қилди.

Эндиликда саноат ишини янада яхшилаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида қилинган докладлар, саноатни бошқаришни янада яхшилаш йўлида белгиланган тадбирлар жамият тараққиётининг иқтисодий қонунларини чуқур билишга асосланган дир. Коммунистик партия мамлакатимизда ҳамма нарсанинг мўл-кўл бўлиши, халқ бахт-саодати тўғрисида, бунинг учун меҳнат унумдорлигини тобора ўстириш, ҳар бир ишга ижодий ёндошиш, моддий ноз-неъмат ижодкорларини ҳар тарафлама рағбатлантириш тўғрисида тўхтовсиз ғамхўрлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам бутун совет халқи сингари наманганлик коммунистлар, Наманган меҳнат аҳли, саноат корхоналарининг коллективлари Пленум материалларини зўр қизиқиш билан чуқур ўрганмоқдалар. Съезд чақирилиши тўғрисидаги хушхабар эса меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини янада оширади, меҳнат зафарлари тағин ҳам кўпаяди.

Шаҳар корхоналарининг коллективлари 8 ойлик планни 105 процент қилиб бажардилар ёки пландагидан 2 миллион 83 минг сўмлик кўп маҳсулот чиқарилди. Трансформатор заводи, химия машинасозлиги заводи, 2, 3, 4-пахта тозалаш заводлари, шаҳар маиший саноат комбинати коллективлари айниқса яхши ишлади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи ҳам муваффақиятли бажарилди. Ҳар бир киши пландаги 3.918 сўмлик маҳсулот ўрнига 4.107 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Маҳсулот таннархи пландагидан 1,5 процент арзонлашди.

Қурилиш-монтаж ишлари 8 ойлик плани ҳам шаҳарда муваффақиятли бажарилди. Шаҳарнинг автохўжаликларида юк ва йўловчиларни ташиш бирмунча яхшиланди. Савдо ва жамоат овқатланишини кенгайтириш соҳасидаги кўрсаткичлар ҳам қувончлидир.

Буларнинг барига коммунистларнинг, комсомолларнинг, партиясизларнинг сидқидил билан меҳнат қилиши, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, аҳоли ўртасида сиёсий-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш туфайли эришилди.

Шу кеча-кундузда шаҳарликлар барча корхоналарнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш билан бирга, республикамиз бўйича 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин»нинг тез йиғиштириб олинишига муносиб ҳисса қўшайлик деб, пахта далаларида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Наманган шаҳрининг меҳнаткашлари бу йил камида 23 минг тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Шундан кам деганда 5 минг тоннаси машинада териб олинади. Ҳозиргача қарийб 10 минг тонна пахта терилди. Коммунистлар, комсомоллар теримда ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

«Октябрь», «Янги қурилиш», «Чинор», Тахтакўприк маҳалласидаги аҳоли пахтакорларга яхши ёрдам беряпти. Бундан ташқари областдаги 9 совхозга 155 механик-ҳайдовчи юборилди. Шаҳарлик механик-ҳайдовчилар Задарё районидаги «Гулбор» совхозида айниқса яхши ишлаяптилар. Бу ерда таксимотор паркининг шоферлари— «зангори кема» дарғалари катта хирмонга ҳар куни 4650 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Шаҳар партия ташкилоти коммунистларнинг, меҳнат аҳлининг куч-ғайратини янада ошириш, етти йилликнинг охирги йилини ҳар қачонгидан кўра улканроқ меҳнат зафарлари билан якунлаш учун интилмоқдалар.

КПССнинг навбатдаги XXIII съезди чақирилиши, бу тарихий съездда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани муҳокама қилинишидан илҳомланган наманганлик коммунистларнинг, Наманган меҳнат аҳлининг юрак сўзларини, фикр-зикрини шундай деб ифодаласак бўлади:

— Улуғ партия, сен ҳар бир яхши ишнинг раҳнамосисан. Сен буюк ғамхўримизсан. Биз сенга чексиз ишонамиз. Сен — умидимиз, шон-шарафимиз, ақл-идрокимиз, пок виждонимизсан. Сенга ҳамиша содиқмиз. Бизни янги зафарларга бошлайвер!

Т. РЎЗИБОЕВ,

Ўзбекистон КП Наманган шаҳар комитетининг биринчи секретари.



КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларидан руҳланган Қўқондаги электр машинасозлиги заводининг коллективи янги хил машиналар ишлаб чиқармоқда. Сиз бу суратда ана шу корхонанинг илғор йигирувчи слесарларидан (чапдан) Зуҳра Каримова билан Муборак Аҳмедова ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

САМАРҚАНД. **[«Совет Ўзбекистони» мухбири].** КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг материалларини диққат-эътибор билан ўрганаётган Самарқанд саноат корхоналарининг коллективлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Область саноати етти йиллик планни муддатидан олдин оширib бажарди. Етти йилликда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 68 процент ёки ҳар йили ўрта ҳисобда салкам 10 процентдан кўпайди.

Саноат ишлаб чиқаришининг барча турлари бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. Етти йиллик давомида планга қўшимча равишда 35 минг 750 тонна пахта топласи, 650 минг метр шойи матолар, 1 минг 418 тонна ўсимлик мойи, 2 миллион 400 минг сўмлик автомобиль ва трактор запас қисмлари етказиб берилди. Область саноати плandан ташқари 93 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ҳисобига область саноати корхоналари салкам 9 миллион сўмлик маблағни тежадилар.

Етти йиллик план топшириқларининг муддатидан илгари оширib бажарилишига «Кинап», Ленин номидаги «Красный двигатель» заводлари, чой қадоқлаш ва шойи тўқиш фабрикалари, «Қўйитош» кони бошқармаси, 3-сон вино заводи ва бошқа корхона коллективлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. «Кинап» заводи ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтирди. Бу ғиганг корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 90 проценти, шу жумладан кино аппаратуралари ва бошқа асбоб-ускуналар мамлакатимиздаги барча республикаларга, шунингдек чет давлатларга ҳам жўнатилмоқда.

Партия Марказий Комитети Пленуми ишлаб чиққан тадбирларни бажонидил қўллаб-қувватлаётган Самарқанд саноат корхоналарининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари янги марраларни кўзламоқдалар.

ҲАЁТИЙ ТАДБИРЛАР

Тўқимачиларимиз КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг материаллари ва қарорларини мамнуният билан кутиб олдилар. Уни зўр эътибор билан ўрганиб чиқаётирлар. Саноат корхоналарининг ҳуқуқлари оширилаётгани, корхоналар учун юқоридан тасдиқланадиган план кўрсаткичларининг сони қисқартирилаётгани, фойда, нарх-наволар, мукофот сингари жуда муҳим иқтисодий воситалардан фойдаланиш яхшиланаётгани, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун корхоналарга зарур маблағлар ажратиб бериш кўзда тутилаётгани ҳаммамизни хушнуд этди.

Сентябрь Пленуми ишчи аҳлининг меҳнати, даромади, тирикчилиги ҳақида қайғуриб, саноатни бошқаришдаги ва планлаштиришдаги, шунингдек бошқа соҳадаги чалкашликларни бартараф этиш тадбирларини белгилади. Партия Марказий Комитети ишлаб чиқаришни юксалтиришдан меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлиги ортсин демоқда. Сентябрь Пленумининг қарорлари ишчиларда, инженер-техник ходимларда қанот пайдо қилди. Уларнинг ишчанлиги яна ортади.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги аҳволга бир назар ташласак, планлаштиришда бўлмасин, бошқаришда бўлмасин қатор камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрамиз. Узоққа бормай, ўз корхонамиздан мисол келтирайлик. Корхонани электр энергияси билан таъминлаш кейинги пайтда жуда издан чиқди. Энергия бўлмаса, иш тўхтайди. Ишчилар соатлаб бекор туриб қолади. Маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетади. Кўплаб ишчилар тунги сменаларда ишлашга мажбур бўлиб қоладилар. Уларнинг ҳаловати бузилади. Март ойидан бошлаб комбинатимизда шундай аҳвол. Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Бирлашган диспетчерлик бошқармаси кўп вақт кечқурун соат 7 дан кейин электр қувватини уч баравар камайтириб қўяди. Натижада комбинатдаги 5 та ишлаб чиқариш фабрикасининг учтаси бир неча соат давомида тўхтаб қолади. Иккинчи смена ишчилари тўрт соат ишламай уй-уйларига қайтишга мажбур бўладилар. Қолган уч соатини эса тунда, энергия кўпайганда келиб ишлаб бериб кетадилар. Улар 100 ёки 200 киши эмас, 4500 киши. Планлаштиришдаги бир чатоқлик шунча кишини овораю сарсон қиляпти. Октябрь ойида ҳам шу аҳвол такрорланадиганга ўхшайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича таслиқдан ўтган планга мувофиқ, комбинат октябрь ойида саноат эҳтиёжлари учун 4 миллион 658 минг киловатт-соат электр энергияси ишлатиши керак. Баҳолонки, «Узэнергосбит» октябрь ойига 4 миллион 390 минг киловатт-соат электр энергия ажратишни планлаштиряпти. Ёки бошқача айтганда, комбинат октябрь ойида 268 минг киловатт-соат энергия кам олади. Демак, комбинат цехлари ҳар куни бир неча соатдан ишламай туриши, смена бузилиши, одамларнинг ҳаловати йўқолиши керак. Ахир корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш планига, эҳтиёжига ҳам қараш керак-да. Корхона эҳтиёжини 5-10 процент чегириб ташлаш оқибати нималарга олиб боришини «Узэнергосбит»даги мутахассис ўртоқлар ўйлаб кўришса бўларди.

Корхонани планли равишда хом ашё билан таъминлаш ҳам кейинги вақтда издан чиқиб боряпти. Бизда ҳамиша керак бўлган сортлар бўйича хом ашё етарли бўлмайди. Натижада иккинчи сорт тола ўрнига биринчи сорт ишлатишга, маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборишга мажбур бўляпмиз ёки бўлмаса қўлимизда биринчи сорт тола бўлмай қолиб паст сорт тола ишлатяпмиз. Маҳсулот сифати шу боисдан пасайиб кетади.

Корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш мақсадида корхоналарга юқоридан тасдиқлаб бериладиган кўрсаткичлар сонининг қисқартирилиши айни муддао бўлди. Масалан, ялпи маҳсулот кўрсаткичи маҳсулот хилларини ва унинг сифатини яхшилашдан корхоналарнинг манфаатдорлигини ҳеч бир оширмайди, балки шундай қилишга халақит беради. Қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига план тўлди?! Аҳолининг эҳтиёжи қандай, тайёрланган маҳсулот сифати қанака, яхшими, ёмонми, ҳозирги шароитда бу билан корхонанинг иши йўқ.

Корхоналарнинг планларида улар сотадиган маҳсулотнинг ҳажми бўйича топшириқлар белгилаб қўйилиши юқоридаги камчиликларга чек қўяди. Корхоналарда истеъмолчига керак бўлмаган, паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга чек қўйилади. Маҳсулот хиллари ва сифати харидор талаби даражасига кўтарилади.

Т. НИҒАЙ,

Фарғона тўқимачилик комбинатининг бош инженери.

В. БАШМАКОВА,

бош инженер ўринбосари.

ЕНГ ШИМАРИБ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларига асосан ишлаб чиқаришни планлаштириш такомиллаштирилади, меҳнат унумдорлигини кўтаришдан ҳар бир ходимнинг манфаатдорлиги ошади. Завод ва фабрика раҳбарларининг ташаббус кўрсатиб ишлаши учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Корхона ҳуқуқлари чеклаб қўйилиши ишга путур етказганлиги ҳар бир саноат ходимига аён. Заводимиз фаолиятидан бир мисол келтириб ўтай. Биз шу йилнинг икки кварталь мобайнида 78 минг сўм фойда кўрдик. Аммо бу фойданинг бир тийинидан ҳам корхона эҳтиёжлари учун, яхши ишлаётган ишчи ва инженер-техник ходимларни рағбатлантириш учун фойдалана олмас эдик. Энди эса аҳвол ўзгаради. Хўжалик ҳисобининг мустаҳкамланиши ва тараққий этиши, иқтисодий рағбатлантиришнинг кархаво, фойда, мукофот ва кредит сингари воситалар билан кучайтирилиши ҳар бир ходимни ташаббус кўрсатиб, бутун маҳорати ва билимини ишга солиб меҳнат қилишга чорлайди.

Тошкент экскаватор заводи республикамиз машинасозлик саноатининг йирик корхоналаридан бири. Биз ҳамма техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни муваффақиятли бажариш учун курашмоқдамиз. Келгуси йили иш ҳажми яна ҳам кенгаяди. Янги механика цехи қуришимиз керак. Экскаватор тайёрлаш учун меҳнат сарфини камайтириш учун зўр бериб ишлаймиз.

Планни бажариш, маҳсулот сифатини кўтариш ҳар бир ишчи, мастер, бригадир, инженер ва технологга боғлиқ эканлигини назарда тутиб сентябрь Пленуми қарорларини чуқур ўрганишга катта аҳамият бермоқдамиз. Кадрларимизнинг иқтисодий ўқувини ташкил этмоқчимиз. Корхонамиз коллективи жаҳонга кўз-кўз қилса арзийдиган экскаватор тайёрлаш, рентабель, фойда кўриб ишлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

Н. ГРИКЛАД,

экскаватор заводининг директори.

БАРЧА РЕВОЛЮЦИОН КУЧЛАРНИНГ ҲАРАКАТ БИРЛИГИ УЧУН

КОМИНТЕРН VII КОНГРЕССИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МОСКВА, 4 октябрь. (ТАСС мухбири). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида бўлган илмий конференция Коммунистик Интернационал VII конгрессининг 30 йиллигига бағишланди. 1935 йил июль-август ойларида Москвада бўлиб ўтган бу конгресс мазлум халқлар озодлик ҳаракати тарихига реакция ва фашизм ҳужуми хавфи олдида барча революцион ва демократик кучларни бирлаштириш учун қудратли даъват бўлиб кирди. 65 кардош партия делегациялари конгрессда халқаро ишчи ҳаракатининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар.

Бу шонли санани нишонлаш учун СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясининг ходимлари, ветеран коммунистлар, партия ва касаба союз активлари Колонна залига тўпланишди. Конференциянинг ишида кардош коммунистик партияларнинг вакиллари — VII конгрессда қатнашган Испания Компартиясининг раиси Долорес Ибаррури, Сурия Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари Холид Багдош, шунингдек Австрия Компартиясининг раиси Франц Мури, Греция Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Костас Колиянис, Эрон Халқ партияси Марказий Комитети бюросининг раиси Ризо Радманеш, Люксенбург Компартияси Марказий Комитети президиумининг аъзоси Жан Киль, Морис Торез институти (Франция) маъмурий кенгашининг раиси Жорж Коньо, Коминтерн VII конгрессининг қатнашчиси, Автоцио Грамши номидаги институт (Италия) директори Франко Ферри, АҚШ Компартиясининг энг кекса арбоби, Коминтерн VII конгрессининг қатнашчиси Александр Трахтенберг ва бошқалар иштирок қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов конференцияни очиб, бундай деди:

— Бундан ўттиз йил муқаддам шу бинода, биз тўпланган шу залда жаҳон коммунистик ҳаракати тарихидаги ажойиб воқеа — Коминтернинг еттинчи конгресси бўлди.

Конгресснинг бутун иши Маркс — Энгельс — Ленин улуғ таълимотининг ижодий руҳи билан суғорилган эди. Коммунистлар революцион фаолиятининг янги стратегия ва тактика формалари ҳамда методлари жаҳон коммунистик ҳаракатининг коллектив ақл-идрокига билан курашнинг ўзгарган шароитига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Коминтернинг еттинчи конгресси ҳақиқатан ҳам буюк аҳамиятга эга. Бу конгрессининг идеялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, бу идеялар коммунистик ва ишчи партиялар олдида ҳозирги пайтда ҳам турган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Коминтерн еттинчи конгрессининг жаҳон коммунистик ҳаракатига берган энг асосий, энг муҳим ҳужжати — ишчилар синфи ва бутун демократик ҳаракатнинг бирлигини кўзда тутган стратегик йўлдан иборат.

Сўнгра М. А. Суслов айтадики, замонамиздаги барча демократик, антиимпериалистик кучларнинг бирлиги ва жипслиги — ҳозирги даврнинг ҳаётий талабидир. Бу бирлик ва жипслик ишчилар синфининг империалистик реакцияга қарши, монополиялар зўравонлигига қарши, демократия ва социализм учун олиб бораётган курашида янги ғалабаларга эришиш шарти, халқлар миллий озодлик ҳаракатининг янги ғалабаларни қўлга киритиш шарти, бутун жаҳон революцион процессининг галибона ривожланиб бориш шартидир.

— Коминтерн VII конгрессининг идеялари ,— деди сўзининг охирида М. А. Суслов, — ҳозирги замон коммунистик ҳаракатининг назарияси ва практикасида яшамоқда ҳамда ривожланмоқда. Бу идеялар бизни жипслашишга, империалистик реакция ва уруш кўчларига қарши курашга, ишчилар синфининг улуғ мақсади — социализм ва коммунизм учун курашга янада зўр ғайрат билан интилишга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. М. Румянцев «Коминтерн VII конгрессининг тарихий аҳамияти ва ҳозирги замон коммунистик ҳаракати тўғрисида» доклад қилди.

— Марксистик тафаккур тарихида,— деди докладчи, — у ёки бу тарихий воқеалар билан, замонининг ўтиши билан вужудга келган ва таъбир этилган қоидалар ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотиш у ёқда турсин, балки аксинча, ўз моҳияти ва аҳамиятини ҳамиша тўлароқ очи боргандигини кўрсатадиган мисоллар кўп учрайди.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг 30-йиллар ўртасида чиқарган кўп хулосалари ҳудди шундай қоидалардандир. Бу хулосалар еттинчи конгрессининг тарихий қарорларида ўз ифодасини топди.

Конгресс коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим стратегия ва тактика установкаларини ишчилар синфининг жаҳонга чинакам революцион тарзда ўзгартириш йўлидаги курашининг ўзгарган шароитларига мувофиқ ишлаб чиқди. Конгрессининг қарорлари коммунистларнинг эътибор ва кучини биринчи навбатдаги энг зарур вазифаларни бажаришга — уруш хавфига ва фашизмга қарши курашга сафарбар қилди ва бу билан бутун инсониятнинг энг зарур манфаатларига амал қилди.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги социал-иқтисодий ва сиёсий вазият тубдан ўзгарди. Фашизм тор-мор келтирилди, жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Жаҳонининг бепоён ерларида миллий озодлик ҳаракати гилибона ривожланди, бу ҳаракат зарбалари остида империализмнинг мустамлакачилик системаси сиёсий жиҳатдан барбод этилди. Эндиликда бутун ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналиши икки система — капиталистик система билан социалистик система мусобақасининг бориши ва натижалари билан белгиланади. Бу кураш жараёнида социализм кишилик жамияти тараққиётининг тобора ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Ҳозирги дунёда эскилик билан янгиликнинг, капитализм билан социализмнинг, империализм билан озодлик ҳаракатининг кураши жуда кескин тус олди. Уруш булутлари инсоният устида доим пайдо бўлмоқда — уруш хавфи гоҳ узоқлашмоқда, гоҳ яқинлашиб келмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон урушга тўтрисидагина эмас, балки инсониятнинг тинч-тотув яшаши тўғрисида ҳам гапириш мумкин эканлигини ҳамма билади. Америкаиинг Вьетнамдаги агрессияси жаҳонда ўзларининг авантюристик ҳаракатларининг оқибатлари тўғрисида ўйлаб кўрмасликини афсал бир нарса деб ҳисоблаётган империалистик сиёсатдонлар оз эмасдигини жуда равшан исбот этади. Агрессив кучларнинг давлатлар ўртасидаги тинч-тотув яшашни бузиш йўлидаги уринишларига қарши кураш ҳозир жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги хатарли халқаро вазият зўр активлик кўрсатишни ва меҳнаткашларнинг ҳеч мустасносиз барча отрядларини, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган барча кишиларни жипслаштиришни талаб қилади.

Шундан кейин докладчи «Демократия учун кураш — социализм учун курашнинг таркибий қисми» деган тезисга тўхталиб ўтди. Қардош партиялар Ленининг демократияни ривожлантириш формаларини қидириб топиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, ҳозирги кунда демократияни кенгайтириш ва янгилаш учун, уни янги синфий мазмун билан бойитиш учун курашолиб бориш имконини берадиган конкрет йўлларини қидириб топмоқдалар. Омма радикал-демократик программа учун, туб социал-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар программаси учун кураш олиб бориб, демократия билан капиталистнинг бир жойга асло сиғиша олмаслигини тушуниш даражасига кўтарилмоқда. Кўп мамлакатларда демократия учун кураш оммаиинг социалистик интилишларининг рўёбга чиқиш формаси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Фашизм устидан ғалаба қозонмоқ учун биргина ишчилар синфининг, ҳатто бирлашган ишчилар синфининг ҳам кучлари кифоя қилмас эди. Шу сабабли, коммунистлар ғайри пролетар омма билан кенг иттифоқ бўлиш сиёсати, халқ фронти сиёсати йўлини тутдилар. Бу сиёсат коммунистик ҳаракат янги стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Коммунистик ҳаракат халқ фронтида бирлашишнинг шундай янги формасини топдики, ишчилар синфи антифашист, умумдемократик мақсадлар учун курашнинг гегемони бўлиб майдонга чиқди ва халқ оммасини қадамба-қадам курашнинг янги марраларига олиб келди.

Докладчи барча антиимпериалистик ва демократик кучларни бирлаштириш зарурлиги ҳақида гапириб, бундай деди: Коминтернинг «Бутун дунё пролетарлари ва мазлум халқлар, бирлашингиз!» деган жанговар шиори ҳозирги замон революцион кучларининг бирлигини — жаҳон социалистик системасининг бирлигини, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш зарур эканлигини ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ тақозо этади.

Марксизм ўз моҳияти эътибори билан интернационал таълимотдир, чунки марксизм ижтимоий тараққиётнинг умумий қонунлари (бу қонунлар ҳар бир мамлакатда қандай конкрет формаларда намоён бўлишидан қатъи назар) тўғрисидаги таълимотдир. Коммунистик ҳаракат бирлиги манфаатлари ана шу конкрет формаларни ҳар томонлама эътиборга олишни ва шу билан бирга, озодлик курашининг ягона интернационал мақсадларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни талаб этади.

Коммунистик ҳаракатнинг ўсишидаги турли-туман қийинчиликларнинг ҳаммасини ҳаракатнинг жипслиги, бирлиги асосида, биргалашиб ҳаракат қилишни ривожлантириш асосида бартараф қилиш мумкин.

Назария ва практиканинг бир қанча проблемаларига тааллуқли келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши умумий курашда, халқларнинг озодлик ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашда, умумий тинчлик учун ҳамда турли социал тузумдаги давлатларнинг (бунда катта ёки кичик мамлакатлар тўғрисида гап боришидан қатъи назар) тинч-тотув яшаши учун курашда, ишчилар синфининг энг зарур манфаатлари ва тарихий мақсадлари учун курашда ҳаракат бирлигига эришиш тамомила мумкин ва зарур.

Шундан кейин конференцияда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси академик П. Н. Поспелов «Халқаро коммунистик ҳаракатнинг тинчлик учун, империализм агрессив сиёсатига қарши курашининг ўттиз йиллиги» тўғрисида ахборот берди.

Тарих фанлари доктори Т. Т. Тимофеев ишчилар ҳаракатининг бирлиги проблемалари ва Коминтерн VII конгрессининг мероси теварагида олиб борилаётган голявий-сиёсий кураш тўғрисида гапирди. Академик Е. М. Жуков «Социализм ва миллий озодлик ҳаракати кучларининг бирлиги масалалари» деган темада доклад қилди.

Конференция қатнашчилари Ж. Коньо ва Ф. Ферриларнинг нутқларини самимий табрикладилар.

Колонна залининг фойесида К. Маркс ва Ф. Энгельс музейи ташкил этган выставкага Коминтерн VII конгрессининг материаллари қўйилган.

НИЯТ ВА ҲИММАТ

МАШИНА — ДЕҲҚОННИНГ ДЎСТИ

Машина... Унинг қудрати, мўъжизакорлигига тан бермаган киши бормикин? Шпинделлар чаноқлардаги дурдоналарни ҳимариб бункерларга жойлаётганини кўрганда қойил қолмаган киши топиларми-кин? Яқингинада машинани пайкалга яқинлаштирмайман, деб ўзини ғилдирак остига ташлагудек бўлган баъзи бақироқ кишилар қаёқдайкин?

Район партия комитетининг секретари машинага даҳли бор қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Бундан беш-олти йил муқаддам тажрибакор бир деҳқон билан суҳбатлашиб қолдим. Гап пахтани машинада териш ҳақида борди. Ҳалиги деҳқон суҳбат охирида бундай деди: «Пахтани машинада терамиз деган ниятимиз бор-у, ҳиммат етишмай турибди...».

Яқинда ўша киши райкомга «машинадан ёрдам беринг» деб келди. Маълум бўлишича, колхоз правлениеси у раҳбарлик қилаётган бригада даласида пахта тераётган 2 машинани бошқа бригадага ўтказиш ҳақида кўргазма берибди. Бу бригадирга қаттиқ ботибди. Ўртада аччиқ-тизиқ гаплар бўлиб ўтибди, ҳеч иложини топа олмагач, райкомга арзга келибди. Унинг илтимосини қондириш тўғрисида ўйлаётган бўлсам ҳам, правлениенинг ички ишига аралаша олмаймиз, дедим ҳазиломуз. «Ундай бўлса қовурғамдан бостириб ўтмагунча машинани пайкалдан чиқариб бўпман», деди бригадир...

Бунга қувониш керак. Деҳқоннинг тушунчаси ўзгариб, машинага ихлос қўйибди. Илгари унда пахтани машинада териш нияти бор эди, энди ҳиммат ҳам камол топибди. Ният ва ҳиммат бирлашиб, уни юксак чўққиларга чорлаяпти. Пайкалда машинанг бўлса, дурдонанг чаноқда қолмайди, дейилишининг боиси ҳам шунда бўлса керак.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини комплекс механизациялашган хўжалик, илғор тажрибалар мактаби деб аташади. Бу гапда жон бор. Хўжаликда чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишлар машиналар гарданига ортилган. Бу яхши самара бераётир. Қуйидаги мисолга разм солинг:

Совхоз бу йил давлатга 13 минг 300 тонна пахта сотади. Шундан 10 минг тоннасини машиналарда териш планлаштирилган. Ана шу ҳосил қўлда терилганда қанча маблағ кетади-ю, машиналарда терилганда қанча кетади? Шу саволга жавоб топилса, машина хўжаликка нақадар катта фойда келтириши ўз-ўзидан маълум бўлади.



—10 минг тонна пахта, — дейди совхоз директори Зокиржон Маҳсумов.—Ҳар бири 50 килограммлик 200 минг норма ёки иш куни демакдир. Ҳар иш кунига 2 сўм 15 тийиндан ҳақ тўланса, юқорида тилга олинган пахтани йиғиб-териб олишга 430 минг сўм пул сарфланиши керак.

Энди машинани олиб кўрайлик. 10 минг тонна пахта ҳар бири ўртача 2 тоннадан 5 минг машина нормаси ёки иш кунини ташкил этади. Ҳар нормага 6 сўм 15 тийиндан ҳақ тўланади, ёки ўшанча пахтани саранжом-саришталашга 32,5 минг сўм пул сарфланади. Шундай қилиб, совхоз машина теримини яхши ташкил этиши туфайли қўл теримига кетадиган маблағдан 397,5 минг сўмини тежаб қолади. Тўғри, шу пулдан бир қисми ремонт, амортизация ҳақига, дефолиация сарф-харажатларига чегириб ташланади. Лекин бу кўп эмас, дарёдан бир томчидир. Машинадан ана шундай лўндa фойда кўраётган пахтакор деҳқон унга ихлос қўймай, нимага ихлос қўйсин!

— Машинада терилган пахтанинг ҳаммаси,—изоҳ берди Зокиржон ака, — деярли биринчи сортга қабул қилиняпти. Бу даромад ёнига даромад қўшилаяпти деган сўз. Машиналарга кенг йўл очиб берилганидан бўён ҳосил қора совуқ тушгунча йиғиб олиняпти. Энг муҳими — келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратиб қўйиляпти. Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда бу йил гектаридан 30 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта звено бўлмайди. Ингирмадан ортиқ звено ҳозирдаёқ бу марралан ўзиб кетди. 40 центнерчи звенолар сони ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўпаяди. Мана сизга машинанинг шарофати!

1965 йил машина теримини ташкил этишда яхши кўрсаткичларга эришиш даври бўлаётир. Ҳар куни пахтазорларда 128-130 машина жавлон ураётир. Машиналар ишга тушгунча бир кунда йиллик планнинг аранг бир процентини миқдорида пахта тайёрланган бўлса, машиналар ишга тушгач кунлик суръат 4 процентдан ошиб кетди, айрим кунларда 5 процентга етяпти. Ёки ҳар куни давлат омборига бункердан ағдарилган 550-560 тонна «оқ олтин» жўнатиляпти.

Совхозда 90 та комплекс механизациялашган звено тузилиб, уларга ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган, механизацияга ихлосманд кишилар бошлиқ қилиб тайинланган. Бу метод ўзини тўла оқлади. Бу звеноларда дала ишлари тўла механизациялаштирилди. Агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилиши туфайли юқори ҳосил етиштирилди.

Ленин орденли Мансур Ўрмонов звеносида 8 ишчи кучи бор. Улар 54 гектар ерда гўза ўстирди. Ҳосилдорликда марра — 40 центнер! Ҳар бир ишчи ҳисобига 27 тоннадан пахта етиштирилади. Далада ана шу ҳосил бор. Звенонинг ҳамма аъзоси машинани бошқара олади .Улар икки машина теримида гектаридан 29 центнердан хирмон кўтарди. Ўрмоновнинг ўзи шу кунгача 70 тонна пахта терди. Бир центнер пахтанинг таннархи 12-13 сўмдан ошмайди. Даромад эса анча кўпаяди.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Ридван Чки звеноси ҳам ана шундай кўрсаткичга эришди. Шунисн характерлики, звенода бу йил қўлда пахта терилмади. Мавсумда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган Ридван 80 тонналик маррани эгаллади. Икром Азизхўжаев, Сервер Женалиев, Чачи Субҳилар бошлиқ звенолар ҳам гектаридан 25-28 центнердан хирмон кўтариб, 40 центнерлик маррага интилмоқдалар.

Совхозда меҳнат унумдорлигини ошириш, терим суръатини кўтаришга қаратилган яна бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Бу ерда моддий манфаатдорлик принципига қаттиқ риоя қилинади. Кўп ишлаган киши кўп ҳақ олади. Теримда сон ва сифатни бир-бирига боғлаб олиб бораётган механик-ҳайдовчи ва теримчилар рағбатлантирилади. Механик-ҳайдовчининг ойлик иш ҳақи ўртача 250-300 сўм бўлаётир.

Машиналарга техника ёрдами кўрсатиш яхшиланди. Марказий устахона кеча-кундуз ишлаяпти. Кўчма устахоналар ташкил қилинган. Зарур топилган машинага пайкалнинг ўзида техника ёрдами кўрсатилади. Натижада фурсатдан ютилади.

Кунлик графикнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб борилади. Куилик, беш кунлик, ўн кунлик топшириқ ҳар бир механик-ҳайдовчи ва теримчига етказилади. Машиналарга тунги чироқлар ўрнатилган бўлиб, улар кеча-кундуз бир меъёрда ишлаяпти. Тунги сменада ишлаган кишиларга қўшимча ҳақ тўланяпти.

Совхоз пахтакорлари зиммага олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш, 10 минг тонна пахтани «зангори кема»ларда териб, машиналар қудратини яна бир карра намойиш қилиш ҳақидаги ваъдасининг устидан чиқиш учун шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари уларга янги куч-гайрат бахш этмоқда.

Яхши ниятли, олий ҳимматли «зангори кема» суворийларига оқ йўл!

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Оққўрғон райони.

Суратда: совхознинг ҳар куни 4-5 тоннадан пахта тераётган механик-ҳайдовчилари М. Дерман ва А. Сулаймонов.

А. Тўраев фотоси.

ШАХМАТ МАЙДОНЛАРИДА

СОКИНЛИК ЙЎҚ

Жаҳон миқёсида ўтказилган шахмат мусобақалари ҳеч қачон бу йилгидек кўп ва қизиқарли бўлмаган. Шахмат «тожи» учун даъвогарлар бу йиллик баҳоларини илгаригидек бир ойда тугатмадилар. Халқаро шахмат федерацияси (ФИФЕ) томонидан қабул қилинган совет шахматчиларининг таклифига кўра сакиниз даъвогар шу йилнинг апрелида ўзаро жангга киришиб, ҳалигача пешқадамни аниқлай олмаяпти.

Маълумки, «ғалвир» биринчи кўтарилганда тўрт даъвогар — П. Керес, В. Смислов, Б. Ивков ва Л. Портиш «ёпишиб қолиш»ни «уддалайолмай, баъзилар ундан «бақувур» ўтиб кетишди», баъзиларига эса куч ишлатилди. «Ғалвир» иккинчи марта кўтарилганда Е. Геллер ва Б. Ларсин тушиб қолди». Икки синовдан муваффақиятли ўтган ёш совет гроссмейстерлари Борис Спасский билан Михаил Таль ҳозир учинчи — якуиловчи имтиҳонга тайёргарлик кўришмоқда.

Булар ўртасида 12 партиядан иборат ўйналадиган матч биринчи ноябрда Тбилисида бошланади.

М. Таль ҳақида газетхон кўпроқ маълумотга эга: унинг асосий кучи — тенги йўқ комбинацилар устаси эканлигида. Ким билан ўйнаётганлигидан қатъи назар, баъзан у шундай қурбонлар берадики, уни рад этиш атоқли шахматчиларнинг ҳам қўлидан келмай қолади. Таллинг 28 ёшлик рақиби Б. Спасскийнинг асосий кучи нимада? Биринчидан, жисмоний жиҳатдан у жуда бақувват йигит. Дебютни ҳам, Миттелшпилни ҳам, Эндшпилни ҳам зўр маҳорат билан ўйнайди.

Рақиблар бир-бирига арзигудек зўр шахматчилар. Кураш жуда кескин ва қизиқ бўлиши турган гап. Ким ғалаба қилишидан қатъи назар келгуси йилнинг баҳорида бўладиган матчда жаҳон чемпионлиги учун, яна икки совет гроссмейстери беллашади.

Яқинда бир нечта халқаро турнирларга якун ясалди. Рус шахмат мактабининг асосчиси М. И. Чигорин хотирасига бағишлаб, Сочида ўтказилган традицион турнирда Спасский билан Унцикер (ГФР), Венгриядаги турнирда СССР чемпиони В. Корчной голиб чиқишди. Жаҳон чемпиони Х. Р. Капабланканинг ватани — Куба ҳақиқий шахматчилар маконига айланмоқда. Унинг хотирасига бағишланган турнирда турли мамлакатлардан 22 та шахматчи қатнашди. Уларнинг бири 22 яшар америкалик гроссмейстер Роберт Фишер Нью-Йоркда ўтириб телефон орқали ўйнади. Телефон орқали матчлар ўтказилган. Лекин турнир қатнашчиларидан бирининг бошқалардан ўзини «пинҳон» тутиши — тажриба биринчи. Сабаби — АҚШ давлат департаментининг озодлик оролига нисбатан тутган позициясидир. Фишер бу ерда ҳам совет шахматчиларидан устун кела олмади. Кубада шахмат жуда тез ривожланмоқда. Бунинг учун зарур тадбирлар амалга оширилянти. Бир неча минг тахтада бир йўла сеанслар, лекциялар ўтказилиши, шахмат агитпоездн тузилганлиги, мактабларнинг ўқув программасига шахмат дарси киритилганлиги, қўлбоғ мусобақалар ўтказилаётганлиги ўз натижасини бермоқда. Куба чемпиони Хименес Смисловдек шахматчи устидан ғалаба қилди. Бу ҳам шахматчиларга қўрсатилаётган гамхўрлик мевасидир.

Аёллар ўртасида жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан бу номга даъво қилаётган москвалик Алла Кушнир ўртасидаги матчнинг бошланганига 17 куи бўлди. Матч бошланғунга қадар кўпчилик Гаприндашвили рақибасини «мажғалаб» ташласа керак, деб ўйлаганди. Лекин матчда ўйналаётган партиялар Кушнир ҳам анойилардан эмас эканлигини кўрсатмоқда. Буларнинг кучини қандай баҳолайсиз, деган саволга кўп дуч келаман. Менимча, иккаласи ҳам ўртача эркак мастерлардан қолишмайди. Кейинги пайтларда етакчи аёл шахматчилар мусобақаларига ҳам кўплаб томошабин йиғилишининг боиси ҳам шунда — уларнинг маҳорати тобора такомиллашмоқда.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ШОЛИ ТОПШИРИЛМОҚДА

НУКУС. «Равшан» совхози Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб давлатга шоли топширишга киришди. Қабул қилиш пунктига икки минг пуддан кўпроқ шоли жўнатилди.

Хўжаликнинг механизаторлари ҳозиргача 700 гектар майдондаги шолини йиғиштириб олдилар. Тўққиз ўроқ машина далаларда узлуксиз ишлаб турибди.

«Равшан» совхози Ўзбекистоннинг энг шимолида жойлашган шоликор хўжаликдир. Совхоз коллективи бу йил мўл ҳосил етиштириб, мамлакатга 275 минг пуд шоли топшириш мажбуриятини олди. Бу эса йиллик пландан бир ярим баравар кўпдир.

«Олтин кўл», «Маёб» ва «Қораузак» шоликор совхозлари ҳам ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Автоном республикада ҳозиргача икки минг гектардан кўпроқ майдондаги шоли ўриб олинди. Бу эса ўтган йилнинг шу давригача ўриб олинган ҳосил миқдоридан икки баравар кўпдир.

Қорақалпоғистон деҳқонлари бу йил Ватан омборларига бир ярим миллион пуд шоли тўкишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ГЎШТ, СУТ, ЕҒ МЎЛ БЎЛСИН!

ҚЎЗИЛАТИШ — МУҲИМ ИШ

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида чорвачиликнинг аҳволи муҳокама қилинганда қўйчиликни ривожлантириш анча орқада қолаётганлиги таъкидланди. Кейинги йилларда республикамизда қоракўл совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 80-85 тадан, бошқа наслдаги совлиқларнинг ҳар 100 бошидан эса фақат 70 тадан қўзи олиб келинди. Совлиқларни вақтида қочирмаслик, уларнинг қисир қолиши, бола ташлаши каби сабабларга кўра ҳар йили 1200-1300 минг қўзи кам олинмоқда. Бу 20 минг тоннага яқин гўшт, 500 тонна жун ва 600 минг дона қоракўл тери қўлдан бой берилмоқда, деган гапдир.

Бундан ташқари, чорва моллари-нинг қишловига яхши тайёргарлик кўрмаслик, қўйларни ёз ва куз даврида яйловларда боқишнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик, кеч олинган қўзиларни наслга қолдириш, қўзилар совлиқлардан ажратилганидан кейин уларни ўстиришни тўғри ташкил этмаслик ҳам қўйлар сонини кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Модомики, қўйчиликнинг ривожланиши совлиқларга боғлиқ экан, чорвадорлар, даставвал, уларнинг сонини кўпайтиришга биринчи даражали аҳамият беришлари зарур. Совлиқларнинг сонини кўпайтириш ҳам, умуман қўйчиликни ривожлантириш ҳам олинадиган қўзиларнинг кўп-озлигига, бинобарин, қочириш кампаниясини ўз вақтида муваффақиятли ўтказишга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда сунъий қочириш қўйларнинг сонини кўпайтиришнинг асосий методи бўлиб қолди. 1964 йили республика колхоз ва совхозларида 1200 дан ортиқ сунъий қочириш пункти ишлади ва уларда барча совлиқларнинг 85 процентга яқини қочирилди.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, сунъий қочириш методини қўлланишнинг ўзигина совлиқлардан кўп қўзи олишни таъминламайди. Шундай ҳоллар бўладики, барча совлиқлар сунъий усулда қочирилади-ю, уларнинг бир қисми қисир қолади. Бу, сунъий қочиришни тўғри ташкил этмаслик ва бу соҳадаги асосий талабларга риоя қилмаслик натижасида юз беради.

Сунъий қочиришдан кутилган натижага эришиш учун наслчилик ишига эътиборни кучайтириш, насли қўчқорлардан кенг фойдаланиш, совлиқларнинг ориқлаб кетишига йўл қўймаслик ва қочириладиган даврда уларнинг семизлиги нормал даражада бўлишини таъминлаш, қўзиларни қочириш кампанияси бошланишидан икки ой илгари онасидан ажратиш лозим. Шундай қилганда совлиқлар қочириш конденциясига етади, уларнинг организмида физиологик ўзгариш юз беради.

Бу соҳада совлиқларни яйловда боқиб семиртириш катта аҳамиятга эга. Шундай қилинганда қочириш кампаниясини қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказиш ва совлиқларнинг яхши насл бериши, улардан олинадиган қўзилар сонининг ошишига эришилади.

Бу йил қочириш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва келгуси йили энг кўп насл олиш учун бир қатор ташкилий, зоотехника, ветеринария ва ҳўжалик масалаларини олдиндан ҳал этиш лозим. Даставвал, кадрлар ҳақида ўйлаш керак. Сунъий қочириш пунктларида тажрибали техниклар ишлаши керак. Совлиқларни сунъий қочириш оммавий равишда бошланадиган вақтгача янги бинолар қуриш ва эскиларини ремонт қилиш, пунктларни зарур асбоблар, химикатлар билан таъминлаш ва ускуналаш лозим. Пунктларда намунали санитария тартиби бўлиши зарур.

Қочириш кампанияси муддатларини белгиланган ҳар бир ҳўжаликнинг конкрет шароитини ҳисобга олиш даркор. Совлиқларни ветеринария қаровидан ўтказиш, сурувларни совлиқларнинг класси, ёши, жун конструкцияси типига қараб комплектлаш, ҳар бир сурув учун фойдаланиладиган элита ва айиқса наслининг сифати текшириб кўрилган қўчқорлардан максимал даражада фойдаланиш лозим.

Совлиқлардан кўпроқ эгиз қўзи олиш учун СЖКдан фойдаланиш керак. Республиканинг кўпчилик районларида чорва молларини емхашак билан таъминлаш соҳасида ноқулай аҳвол юз берган бу йилги шароитда СЖКдан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Чунки СЖК билан қочирилган совлиқларни озуқа билан муттасил мўл-кўл таъминлаб туриш керак. Бундай қилинмаса эгиз туққан совлиқларнинг кўпчилик қисми ишдан чиқиб қолиши ёки нобуд бўлиши хавфи туғилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, бу йилги шароитда бир қатор хўжаликларда совлиқларни қочириш даврида пунктлар яқинидаги яйловларда озуқа етарли бўлмаслиги мумкин. Бу эса совлиқларни ана шу пунктлар яқинидаги яйловларда 35-40 кун ушлаб туриш имконини бермайди.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, область ва район ташкилотлари, давлат наслчилик ва сунъий қочириш станциялари бу йил совлиқларни сунъий қочиришнинг ветеринария ва зоотехниканинг юксак талаблари асосида уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлашлари зарур.

С. БЕЛЯКОВ,
Ўзбекистон ветеринария илмий текшириш институтининг бўлим мудири, ветеринария фанлари кандидати.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Союзпечать», республика почта алоқаси ходимлари, шунингдек кўплаб жамоатчилар 1966 йил учун газета, журналларга обуна қабул қилишни бошлаб юбордилар. Сўнгги йилларда партия, ҳукуматимизнинг гамхўрлиги туфайли бизда чиқаётган газета, журналларнинг тиражи тобора ортиб бормоқда. Илгарилари айрим матбуот органларига обуна қилиш чегараланган эди. Эндиликда эса ҳар қандай газета ёки журналга ҳар ким хоҳлаганча ёзилиши мумкин.

Республикамиз меҳнаткашлари ўзларининг севимли газета-журналлари — «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи», «Муштум», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Фан ва турмуш» билан бир қаторда, марказий органларга ҳам бемалол ёзилавериши мумкин. Меҳнаткашларни бизда нашр этиладиган ҳамма газета-журналлар ҳақида хабардор қилиш учун махсус каталог чиқарилди. Шуни айтиш керакки, бу йилги каталогда янги ташкил қилинган бир неча газеталар, жумладан, Ўзбекистон Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг органи «Постда», «На посту», корейс тилида чиқадиган «Ленин кичи» газеталари бор. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси матбуотни кенг пропаганда қилиш мақсадида бир қанча рекламалар, плакатлар чиқарди. «Союзпечать»нинг жойлардаги органлари ҳам плакат, варақа ва шиорлар таёрлашди. Обуна бошланиши олдидан «Союзпечать» бошқармаси обуна қилиш билан шуғулланувчи ходимларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил қилди. Бу курсларни 30 дан ортиқ киши тамомлаб, жойларга жўнаб кетдилар. Шу кунларда 38 мингдан ортиқ жамоатчи тарқатувчилар ҳам обуначилик билан астойдил шуғулланмоқдалар. Улар орасида колхоз, совхоз, завод, қурилиш ва ўқув юртларининг энг илғор, обрўли кишилари бордир. Республикамиз бўйича қарийб 11 минг жойда обуна пунктлари, 700 дан ортиқ обуна қабул қилиш соатлари тузилди. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўп.

Биз бундан кейин ҳам обуна қабул қилиш тармоқларини янада кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бошланғич партия ташкилотлари бу муҳим тадбирни амалга оширишда алоқа органларига яхши ёрдам кўрсатишлари лозим. Чунки матбуот кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим вазифани амалга оширишда зўр воситадир.

Каталогимизда илғор тажрибаларни, фан ва техникамизнинг ютуқларини пропаганда қилувчи кўплаб илмий журналларнинг рўйхати бор. Булар орасида пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик, қора кўлчилик, химия, механика, астрономия, қурилиш, архитектура, металлургия, машинасозлик, биология, геология, кончилик, енгил саноат, фалсафа, экономика, математика каби соҳаларга оид журналлар кенг меҳнаткашлар оммасини, айниқса мутахассисларни жуда қизиқтиради.

Ҳурматли газетхон, журналхон ўртоқлар! «Союзпечать», алоқа бўлимларининг эшиклари сизлар учун ҳамиша очиқ. Ўзингиз севган газета-журналларга ўз вақтида ёзилишни унутманг. Чунки улар сизни ҳаётдаги ажралмас йўлдошингиз, онгингизни, билимингизни, малакангизни оширишда бебаҳо воситадир.

Л. БЕРГАНОВА,
«Союзпечать» республика бошқармасининг бошлиғи.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

«УЯЛИШМАСМИКИН»

Оржоникидзе район партия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил июль ойи сонларидан бирида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола юзасидан ўтказилган текширишда унда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Район матлубот жамияти правленнесининг қарори билан совет савдоси қоидасининг бузилишига йўл қўйгани учун Қибрай сельпосига қарашли хўжалик моллар магазинининг мудири Режаматовга вигговор эълон қилинди, келгусида савдо қоидасини бузишга йўл қўйган тақдирда ишдан олиниб, жиноий жавобгарликка тортилажаги ҳақида огоҳлантирилди. Хўжалик моллар магазинининг фаолияти устидан етарли назорат олиб бормагани учун Қибрай сельпосининг раиси Тошматов ва савдо бўлимининг мудири Бангиевлар ҳам қаттиқ огоҳлантирилди. Савдо шохобчаларига раҳбарликни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

СОҒЛОМ БЎЛАЙЛИК

ОЗОДАЛИК ВА САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

Республикамизда ўтказилаётган «Озодалик ва саломатлик» ойлиги партия ва ҳукуматимизнинг халқ саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасида кўраётган ажойиб тадбирларидан биридир.

Ўтган бир ой мобайнида республикамиз зиёлилари, айниқса медицина ходимлари аҳоли ўртасида санитария маорифи ишларини яхшилашда катта ишлар қилдилар, газеталаримиз саҳифаларида, эфирда ва телевизор экранларида улар медицинанинг турли соҳалари бўйича мақолалар, суҳбатлар билан чиқдилар. Айниқса юқумли касалликларнинг олдини олиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, касал тарқатувчи омиллар ҳақида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бордилар. Биз ҳам бу мақоламизда газетхонларни ҳазм аъзоларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари ва касаллик тарқалишига сабабчи микроблар билан қисқача таништирмоқчимиз.

Маълумки, киши истъемол қиладиган овқатлар, суюқликлар аввало оғиз бўшлиғига тушади ва унда жойлашган бир қатор сўлак безлари ишлаб чиқарган суюқлик (секрет) билан ҳўлланиб ва қисман парчаланиб меъдага (ошқозонга) ўтади. Тури ва составига қараб овқатлар меъдада бир неча муддат (ўртача 2-3 соат) туради. Озуқа моддалар у ерда меъда шарбати ва бир қатор ферментлар таъсирида парчаланади ва қисман қонга сўрилади. Энди ана шу сўрилиш процесси билан танишайлик. Нормал ҳолатда ингичка ичак деворининг энг ички, яъни шиллиқ қобати оддий кўз билан қараганда сертукли духобани эслатади. Агар уни микроскоп остида кўрсак миллионлаб майда сўрғичлардан ва секрет ишлаб чиқарувчи майда безлардан иборат эканини биламиз. Бу майда сўрғичлар (туклар)нинг ҳар бирининг ичида қон томирлари бор. Демак шиллиқ қобат устидан секин-аста силжиб ўтаётган овқатдаги зарур моддалар мазкур сўрғичлар орқали қонга сўрилади ва қон орқали барча тўқима ва ҳужайраларга етиб боради. Демак қайнатилмаган сув, ювилмаган сабзавот ва мевалар орқали ёки шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик натижасида организмга кирган касаллик микроблари ҳам ниҳоят даражада майда бўлганликлари туфайли шу сўрғичлар деворидан ўтиб кетадилар ва қонга сўриладилар, қон орқали эса бутун организмга тарқаладилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, умуман микроблар деб аталувчи кўзга кўринмас майда жониворлар ўзларининг тузилишлари ва фаолиятларига қараб икки турга бўлинадилар. Биринчи группа — касаллик чақирмайдиган, яъни меъда ва ичак системасида доимо учрайдиган микроблар бўлиб, улар ичакда озуқаларнинг ҳазм бўлиш процессларида қатнашиб, ижобий роль ўйнайдилар. Иккинчи группа — касаллик чақирувчи микроблар бўлиб, улар организмга киришлари биланоқ ҳар хил хавфли ва юқумли касалликларга сабабчи бўладилар. Бундай микробларнинг баъзи турларига меъда-ичак деворларида ишланган суюқликлар маълум даражада таъсир кўрсатадилар, яъни айрим микроблар кислота ёки ишқорли муҳитларда кўпайишдан тўхтайдилар, уларда ҳаёт активлиги сусаяди ёки тамоман йўқолади. Баъзи касаллик чақирувчи микроблар группаси ўзи ҳаёт даврида қонга заҳарли модда (токсин) ишлаб чиқаради, иккинчи бир группа микроблар эса ўзи ўлгандан сўнг ўзидаги заҳарни (токсинни) қонга ажратадилар. Шунинг учун ҳам ҳазм системасидаги кислотали ва ишқорли муҳит микробларнинг кўплаб ўлишига сабаб бўлса, уларнинг токсинлари кўплаб қонга тарқалар экан.

Одам организмида, у қабул қилган дори-дармонлардан ташқари, шу микроблар ёки уларнинг заҳарларига қарши таъсир кўрсатувчи куч борми? Албатта бор. Бармоғингизга бир зирапча кирса албатта у билан бирга неча минглаб микроблар ҳам танага киради. Орадан икки, уч сутка ўтгач тўсатдан қўлтиқ остида оғриқ ва шиш пайдо бўлади. Бу нимадан? Организмда, яъни тананинг ҳамма соҳасида микробларни тутиб қолувчи тўсиқлар, яъни лимфа тугунлари учрайдилар. Ана шу лимфа тугунлари ва уларнинг составидаги лимфоид моддалари (тўқималари) деб аталувчи куч микробларни ушлаб қолади. Ана шундай вақтда бу тугунлар катталашадилар (шишадилар) ва оғрийдилар. Демак зирапча орқали кирган микроблар қўлтиқ остидаги тугунлар томонидан тутиб олинадилар. Натижада шиш пайдо бўлди. Қонга тушган микробларга ёки уларнинг токсинига организмнинг ажойиб лабораторияси ҳисобланган жигар ҳам муҳим тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Микробларни ўлдириш ва зарарсизлантиришда қоннинг шаклий элементлари ҳам катта роль ўйнайдилар. Организмдаги ва қондаги ана шундай ҳимоя кучлари микроблар билан курашиб, енгадилар ва натижада организмда касалликни осон енгиб ташлайдиган куч (иммунитет) пайдо бўлади. Бунинг учун эса кишилар профилактик уколни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Афсуски, кўп кишилар битта укол оғригидан ёки дори таъсиридан вужудга келган енгил касалланиш (реакция)дан қўрқиб укол қилдиришдан бош тортадилар, турли сабаблар кўрсатиб, уколдан озод бўлишга ҳаракат қиладилар. Яхши ўйланмасдан ёки тушунмасдан қилинган бу ҳаракат билан киши ўзига зарар келтиради. Ҳолбуки ана шундай оммавий укол қилиш йўли билан биз кўплаб юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфини йўқотамиз. Лекин касалликнинг биринчи аломатлари сезилиши биланоқ врачга мурожаат қилиш зарурлигини сира унутманг.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
профессор.
Отаулла ОҚИЛОВ,
доцент.

Санда ЗУННУНОВА.

Лирик шеърлар

Шохлар кўтаролмас ўзин ҳосилдан,
Тирговуч бўлмаса синиб тушарди.
Айри елкасига опичиб зилдай,
Мевалар бехато, етилиб пишди.
Мақтов-ла ўртада кўрилди баҳам,
Қачон экилгану, қачон гул очган,
Боғбоннинг қўлидан қанча сув ичган,
Ташаккур айтилди ел, қуёшга ҳам.
Фақат ётар эди тирговуч четда,
Яхшиликни тилаб, миннатни билмай,
Нолимай, ўкинмай ва малол олмай
Фақат ётар эди тирговуч четда.
О, агар меҳрдан пиёла ясаб,
Шеърдан май тутмоқнинг бўлса иложи,
Тирговичлар учун ичинг, деб қистаб,
Тирговичлар учун деб солар эдим жар.

* * *

Дутор йиғлар эмиш ҳар пардасида
Елларга юз тутган чоғларин қўмсаб.
Баъзан севишганлар ўйиб танасин
Очган жароҳати — доғларин қўмсаб.
Бир вақт шохларини яшнатган барглар—
Шивири торларни куйлатар эмиш.
Шундан у инсонни вафога чорлаб,
Соғинчга ўргатиб, йиғлатар эмиш.

* * *

Ҳатто уйқусида хўрсинса қизим,
Дилим зирқирайди: ранжиган балки.
Димоғимни тутиб нафасига жим,
Ғунча лабларидан излайман кулки.
Ўпиб-ўпиб уни қиламан ҳузур,
Педагогика ҳам қолар бир ёнда.
Ҳеч қандай ақлга бўйсунмас бир зўр
Қуёш парчалари кезади қонда.
Ишончимни юклаб меҳрим бўйнига,
Бахтиёр шўнғийман ҳислар қўйнига.

* * *

Баъзан ҳориб-толиб юмуш-ташвишдан,
Ором истаб кўнглим тингиси келар.
Қушлар қанотига енгил илашиб,
Жимжит соҳилларга қўнгиси келар.
На қўшиқ ёқади, на кулки, суҳбат,
Пашша ҳам учмаса, олсам деймaн тин.
Қотиб ўтираман, босади ғафлат,
Қўлларим ортиқча туюлар секин.
Уйим ҳам кўзимда шумшук, маъносиз,
Даҳшатдан ўрнимдан тураман сапчиб.
О, меҳнат, ҳаёту шодлик дояси,
Бадбахт этма ҳаргиз сен мендан қочиб.
Майли чангалингда пийпаласанг ҳам,
Товоним қабартса тошларинг тилиб.
Ҳислар гирдобида чирпирак қилиб,
Шеър ишқида дилим қиймаласанг ҳам
Майлига.

ҚЎШИҚ

Нотавон кўнглим нетарди мубталоси бўлмаса,
Не қилай бу мубталоликнинг давоси бўлмаса,
Йўлларида беқадр тупроқ бўлишга розиман,
Босиб ўтарга унинг кибру ҳавоси бўлмаса,
Узгаларга ёр ҳамиша хуш такаллуф, хуш чирой,
Не учун бу илтифотлар бир балоси бўлмаса,
Узгалар гул тутса мен наврўзни қошига қўяй,
Гарчи мен кўзга илинмас бир гадоси бўлмаса,
Таҳ-батаҳ қон ғунча бағрида ҳусни ким кўрур,
Гулшан ичра зор булбулнинг навоси бўлмаса,
Шунча кенг олам Санда кўзларига тор бўлур,
Васлига ҳардам умиду муддаоси бўлмаса,

УЧ ШЕЪР

САИЕР

Чўл кўксида боғ ўстирдим,
Чўл маҳлиё боғимга.
Чўл чангини дув тўздирдим,
Чўл гарди ёноғимда.

Кел пахта эк ёнбошига,
Соябоннинг бўлай ёр.
Ҳар кун чиқай мен
қошингга,
Боғбонинг бўлай ёр.

Баҳор келса гуллайди боғ,
Ёз келса мўл зиёга.
Ёрим боққа сен келган чоғ,
Боғим тўлар жилога.

Олтин этиб чўлнинг кўксин,
Ҳордиқ ёзар бўлсанг ёр.
Этагингга шарбат тўксин,
Мен ўстирган мевазор.

Ҳар ниҳолга бир-бир қараб,
Келар сени сўрагим.
Сени кўриб боғим аро,
Боғ бўлсам дер юрагим!

* * *

Қаршимда чўл,
Ёнимда чўл,
Чўл қолмоқда ортимда.
Ҳали олис мен босар йўл,
Чўл ястанган олдимда.
Бошдан қуёш олов қуяр,
Оёқда қум қайнайди.
Алангада юрак куяр
Сув йўқ,
Чанқоқ қийнайди.
Асрларки ётар чўллаб,
Асрларки ётар жим.
Чўлга боқиб қақрайди лаб,
Дарров келар сув ичгим.
Пуркаса-да, яллиғ олов,
Муқаддасдир ҳар тоши.
Чарчамайман юриб яёв,
Бардош берар бардоши!

* * *

Тоққа ёрим билан чиқаман
фақат,
Осон бўлар бирга тикка йўл
юрмоқ.
Гўзаллик касб этар тош
қават-қават,
Гўзалдир юксакда ёр билан
турмоқ.

Тоққа ёрим билан чиқамаи
фақат,
Осон бўлар бирга тикка йўл
юрмоқ.
Ёнингда юраркан ёр ва
муҳаббат,
Мумкиндир чўққидан дунёни
кўрмоқ.

Тоққа ёрим билан минг
чиқай такрор,
Мумкин бўлар экан
бургутдек учмоқ.
Ёнингда тураркан қуёш
билан ёр,
Гўзалдир қуёшдек ёрингни
қучмоқ.



Глиэр номидаги музика мактаб-интернати республикамизнинг энг кекса билим ўчоқларидан биридир. Бу даргоҳда Ўзбекистоннинг турли чеккаларидан келган ёш музика ихлосмандлари таълим олишади. Доно Мирзакаримова Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Партия XXI съезди» совхозидан бу ерга ўқишга келган. Бу талантли қиз ҳозир скрипка класси бўйича 5-синфда ўқимоқда. Шу йили у «Артек»да ўтказилган пионерлар фестивалида қатнашиб, фестиваль лауреати бўлди. Суратда: Доно Мирзакаримова скрипкада куй ижро этмоқда.
В. Кожевников фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОКТЯБРДА ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Октябрь бошланиши биланоқ Ўрта Осиёда июнь ойидан то сентябрь ойигача давом этган қуёшли кунлар камая бошлади. Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ кузнинг дастлабки ёмғирлари ёға бошлади, Арктика музликларидан кириб келаётган совуқ натижасида айрим жойларда ҳаво ўзгарди. Ҳавонинг бундай ўзгаришини октябрь ойида табиий деб тушуниш лозим. Сўнгги 80 йил давомида ўн йилгина октябрь ойида ёмғир кам бўлган, ёки ёғмаган. Ана шундай ҳаво ўтган йилнинг октябрида келган эди. Қолган йилларда эса ана шу ойнинг 4-6 кунида ёмғир ёғиб турди. Октябрда ёмғирли кунлар биринчи ўн кунлик билан учинчи ўн кунликда кучаяди.

Бу йилнинг октябрь ойида ҳаво қандай бўлади? Тошкент об-ҳаво бюросининг расмий маълумотига қараганда, бу ойда ҳаво яхши келади. Бутун ой давомида республиканинг кўпгина районларида ҳаво нормал ҳолатда туради. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд областларида, Қорақалпоғистон АССРнинг ҳамда Хоразм областининг айрим районларида ёмғир нормадагидан сал кўпроқ ёғиши мумкин. Қолган областларда эса ёғингарчилик кам бўлиши кутилади.

Бутун ой давомида ҳаво икки марта совийди. Совуқ ойнинг биринчи ўн кунлигида ва сўнгги беш кунлигида рўй беради. Бунга Арктикадан совуқнинг кириб келиши сабаб бўлади. Лекин октябрь ойида қаттиқ совуқ бўлмайди.

А. ТАГИРЗЯНОВ,
Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

Футбол

ФАРҒОНА ФУТБОЛЧИЛАРИ «А» КЛАССИГА ДАЪВОГАР

Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 48 та очко тўплаб қолган олти ўйин қандай натижа билан тугашидан қатъи назар «А» классига ўтиш ҳуқуқини олиш учун беллашадиган иттифоқчи республикалар командаларининг финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу фарғоналик футболчиларнинг катта ғалабасидир.

РСФСР 5-зонасида қатнашаётган командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қандай? Кимлар пешқадамлик қиляпти-ку, қайси командалар «тошбақа қадам» ташлаб боряпти?

Омскнинг «Иртиш» командаси 49 та очко билан турнир жадвалини бошқариб боряпти. Фарғоналиклар эса 48 та очкога эга. Ленинободнинг «Помир», Жамбулнинг «Металлист» ва Чирчиқнинг «Химик» командалари ҳам финал группага чиқишлари мумкин. Улар низомга кўра 60 процент очко тўплашлари керак. «Помир» 39, «Металлист» 37, «Химик» 36 тадан очкога эга. Агар бу командаларнинг қайси бири 46 та очко тўплай олса финал группада беллашади.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

107-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1965 йил 30 сентябрда Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма ўн тўққиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
000055	44*)	500	024319	25*)	500	067655	1—50	100
000095	1—50	40	024749	24*)	500	068320	07*)	1.000
000101	13*)	500	025280	1—50	100	068526	04*)	500
000221	1—50	40	025362	1—50	40	068547	46*)	500
000434	1—50	100	025544	40*)	1.000	069154	33*)	500
000495	38*)	500	026720	36*)	500	069323	06*)	500
001375	1—50	40	026751	29*)	2.500	069394	1—50	40
001730	32*)	500	027322	22*)	1.000	069448	28*)	1.000
001989	18*)	500	027387	38*)	1.000	069830	10*)	500
002060	24*)	500	027981	1—50	100	071581	1—50	100
002607	47*)	500	028428	23*)	500	072681	32*)	1.000
003006	37*)	1.000	028914	1—50	40	072770	1—50	40
003096	1—50	40	029670	1—50	100	072812	07*)	500
003843	31*)	500	032231	21*)	500	073398	1—50	40
005130	1—50	40	032483	1—50	40	073698	21*)	500
005406	20*)	500	033497	1—50	40	073806	43*)	500
005868	02*)	1.000	036154	21*)	1.000	074237	48*)	500
006685	1—50	40	037214	1—50	40	074395	28*)	500
007241	1—50	40	037632	49*)	1.000	074502	47*)	500
007899	26*)	2.500	038257	1—50	40	074528	41*)	500
008230	1—50	40	038712	43*)	500	074544	36*)	2.500
008925	09*)	500	039760	49*)	500	075451	37*)	1.000
009656	1—50	40	041544	15*)	500	076320	26*)	500
009694	1—50	100	041864	12*)	500	076624	49*)	500
010035	39*)	500	045992	05*)	500	077117	1—50	40
010731	38*)	500	046954	44*)	1.000	078069	27*)	500
010829	10*)	500	046999	09*)	500	079290	1—50	40
011009	46*)	1.000	047189	1—50	40	079587	09*)	500
011392	1—50	40	047236	1—50	40	080140	01*)	5.000
011820	22*)	500	047251	1—50	40	081112	1—50	40
012583	1—50	40	047286	33*)	500	081224	04*)	1.000
012804	14*)	500	047309	1—50	40	082509	39*)	500
013016	29*)	1.000	047840	38*)	500	084876	27*)	500
013705	1—50	40	050899	29*)	500	085313	09*)	500
013964	30*)	500	052359	1—50	100	086226	44*)	500
014659	31*)	500	053338	27*)	1.000	086285	50*)	500
014729	1—50	40	053396	36*)	500	088288	1—50	40
015624	1—50	40	053593	33*)	500	088814	08*)	500
015931	15*)	500	053900	1—50	100	090205	1—50	100
016063	25*)	1.000	053903	37*)	500	090845	37*)	500
016179	26*)	1.000	054370	20*)	500	090847	11*)	500
016766	1—50	40	056454	32*)	500	091779	1—50	40
017848	43*)	1.000	057452	1—50	100	092182	1—50	40
018053	16*)	1.000	057453	32*)	500	092782	1—50	40
018081	1—50	40	057914	06*)	500	093259	1—50	100
018520	13*)	500	059395	01*)	1.000	093744	45*)	500
018837	33*)	500	062259	33*)	500	093813	1—50	100
019403	10*)	2.500	062299	27*)	5.000	094555	05*)	1.000
019517	1—50	40	062308	23*)	500	094609	15*)	500
019776	30*)	500	063553	31*)	1.000	095100	47*)	1.000
020245	41*)	500	063564	15*)	500	095437	46*)	500
020612	19*)	500	063717	44*)	500	095613	03*)	500
020794	44*)	2.500	063913	06*)	500	096782	14*)	1.000
021723	1—50	40	065734	1—50	40	097937	1—50	40
022319	38*)	500	067244	35*)	500	098235	1—50	40
022993	1—50	40	067374	1—50	100	098429	1—50	40
			067599	1—50	40	099976	14*)	500

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига ютган облигациянинг ўз қиймати ҳам қўшилган.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари

К. А. ЕВЛАМПИЕВ.

Комиссиянинг масъул секретари

Н. В. КУЗНЕЦОВА.

18-ҚЎШИМЧА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1965 йил 30 сентябрда Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма ўн тўққиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
000069	1—50	100	033872	42*)	1.000	072493	17*)	2.500
000299	1—50	100	033954	1—50	100	072500	1—50	40
000631	46*)	2.500	033964	1—50	40	073429	26*)	1.000
000638	16*)	1.000	034017	1—50	500	073677	1—50	100
000849	1—50	40	034409	1—50	100	073684	01*)	1.000
001932	1—50	40	034860	1—50	500	073690	01*)	1.000
002288	20*)	2.500	035105	23*)	1.000	073802	21*)	1.000
002471	02*)	2.500	035231	1—50	40	076026	50*)	1.000
002537	1—50	100	035333	1—50	100	076744	10*)	1.000
002955	23*)	1.000	035805	1—50	100	077023	45*)	2.500
003734	08*)	2.500	035906	1—50	100	077167	1—50	40
004165	1—50	40	036041	1—50	40	077269	1—50	500
005330	33*)	1.000	036423	34*)	1.000	077500	1—50	100
005432	1—50	100	037291	1—50	40	077943	30*)	1.000
005599	35*)	1.000	037490	1—50	40	078280	24*)	1.000
005679	11*)	1.000	038245	1—50	40	079172	1—50	500
006196	1—50	40	040409	11*)	1.000	079543	31*)	1.000
007244	1—50	40	040537	26*)	1.000	079748	1—50	40
007607	32*)	1.000	040600	1—50	100	079797	36*)	2.500
007687	1—50	100	040680	1—50	40	079815	1—50	40
008148	08*)	1.000	041018	1—50	500	079837	20*)	5.000
008964	1—50	500	041788	1—50	500	080379	31*)	1.000
009223	1—50	40	042257	08*)	1.000	080458	40*)	1.000
009261	49*)	1.000	042409	12*)	2.500	080521	1—50	40
009291	28*)	2.500	043434	06*)	1.000	080776	1—50	100
009585	46*)	1.000	044303	45*)	1.000	080889	1—50	100
009646	12*)	1.000	044456	34*)	1.000	081535	44*)	1.000
009775	02*)	10.000	044641	50*)	2.500	081814	1—50	40
010608	1—50	100	045680	36*)	1.000	082003	48*)	2.500
011035	27*)	1.000	046763	1—50	100	082052	1—50	100
011300	42*)	1.000	047466	05*)	1.000	082117	1—50	100
011669	1—50	100	047773	04*)	5.000	083352	1—50	40
012049	13*)	1.000	048605	33*)	1.000	083514	29*)	2.500
012285	1—50	100	048638	1—50	100	083615	28*)	1.000
012452	1—50	40	049219	1—50	100	083906	1—50	40
013233	1—50	40	049924	1—50	100	084921	33*)	1.000
013691	45*)	2.500	050372	1—50	40	084966	45*)	1.000
014145	34*)	1.000	050934	1—50	500	085353	46*)	1.000
014652	1—50	100	051862	1—50	500	085515	1—50	40
015600	1—50	40	052146	1—50	500	086857	44*)	2.500
015848	1—50	40	052524	1—50	100	087701	1—50	100
016713	10*)	1.000	053173	1—50	40	087926	11*)	1.000
018686	30*)	1.000	054106	04*)	2.500	088232	29*)	1.000
019121	04*)	1.000	054130	1—50	40	089216	13*)	2.500
019863	1—50	40	054386	1—50	100	089223	1—50	40
019962	1—50	40	055413	1—50	40	089732	27*)	1.000
020573	17*)	1.000	055860	04*)	1.000	090257	32*)	1.000
020788	1—50	100	056350	1—50	40	090760	1—50	100
020835	11*)	1.000	057268	1—50	40	091211	1—50	100
021128	1—50	40	057445	1—50	40	091378	19*)	1.000
021658	1—50	100	057932	08*)	1.000	091420	35*)	1.000
022448	24*)	1.000	057954	32*)	2.500	091956	1—50	40
022494	1—50	40	058422	1—50	100	092000	48*)	1.000
022602	41*)	1.000	059204	45*)	1.000	092160	27*)	1.000
023063	1—50	500	059900	08*)	1.000	092843	1—50	500
023374	1—50	100	060026	1—50	40	092965	1—50	40
023559	1—50	100	060245	1—50	40	093077	27*)	1.000
024644	1—50	40	060823	1—50	500	093141	37*)	2.500
024726	19*)	5.000	061443	1—50	40	093229	14*)	1.000
025058	1—50	40	061653	20*)	5.000	093260	43*)	1.000
025484	05*)	1.000	061789	1—50	100	093973	29*)	1.000
025750	34*)	1.000	062446	25*)	2.500	094608	1—50	100
026528	1—50	100	063599	1—50	40	095363	1—50	40
026848	43*)	1.000	064016	1—50	40	095530	27*)	2.500
026850	1—50	40	064056	1—50	500	095724	1—50	100
027119	42*)	1.000	064768	32*)	2.500	095821	1—50	100
028059	1—50	40	065283	1—50	40	096047	1—50	500
028204	04*)	1.000	066148	42*)	1.000	096408	1—50	500
029110	1—50	100	067296	08*)	2.500	096540	1—50	40
029312	1—50	40	068443	50*)	1.000	097057	44*)	1.000
029942	1—50	100	068644	1—50	40	098503	43*)	1.000
030041	25*)	1.000	068837	16*)	2.500	098506	1—50	100
030899	20*)	2.500	069155	20*)	2.500	098831	19*)	1.000
031030	21*)	1.000	069760	1—50	40	099361	1—50	100
031564	1—50	100	069986	02*)	5.000	099404	1—50	40
032068	31*)	1.000	070496	1—50	100	099748	43*)	1.000
033616	28*)	1.000	071428	1—50	40			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

18-қўшимча тиражда чиққан ютуқлар 18-талони бўлган облигацияларга тўланади. 18-талони бўлмаган облигацияларга эса 18-қўшимча тиражда чиққан ютуқ тўланмайди. Бундай облигациянинг фақат ўз қиймати тўланади.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияга ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигациянинг ўз қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари ютуқларни газетанинг янаги сони келгандан кейин шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари

К. А. ЕВЛАМПИЕВ.

Комиссиянинг масъул секретари

Н. В. КУЗНЕЦОВА.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

АДАНДА АҲВОЛ

ҚОҲИРА, 4 октябрь. (ТАСС). Аданда уч кундан буён аҳвол кескинлигича қолмоқда. Қоҳирадан олинган хабарларга қараганда, Адан шаҳри ва портида ҳаёт бутунлай тўхтаб қолган. Ресторанлар ва бозорлар ёпиб қўйилган, маъмурий муассасалар ва банклар ишламаётир.

Аданнинг Кратер районида ва шаҳарнинг бошқа районларида инглиз мустамлакачи маъмурлари жорий қилган комендантлик соати сақланиб қолмоқда. Машиналарга тушиб олган минг-минглаб полиция отрядлари ва неча юзлаб инглиз солдатлари шаҳар кўчаларида соқчилик қилмоқдалар. Британия оккупациячи ҳарбий ҳаво кучларининг вертолётлари пастлаб учиб юрибди.

«Тартибни тиклаш» учун 500 дан ортиқ солдат вертолётларда Англиянинг «Игл» авианосецидан Аданга туширилди.

Кеча Кратерда яна ғалаёнлар бошланди. Полиция қурол-яроғ ишлатди. Ўлган ва ярадорлар бор.

Бошқа жойлардан ажратиб қўйилган бу ерда хавфсизлик кучлари соқчилик қилмоқда. Полиция бир жойга тўпланаётган аданликларни кўздан ёш оқизадиган газлардан фойдаланиб тарқатиб юбормоқда. Миллий озодлик фронтининг баёнотида айтилишича, кейинги икки кун ичидагина Адан граждандарлардан 800 га яқин киши мустамлакачиларга қарши намойиш ва митингларда қатнашганлиги учун қамоққа олинган.

Арабистон ярим ороли жанубининг миллий озодлик фронти бош секретари Кахтан Аш-Шаабий Яман радиоси орқали сўзлаб, 2 октябрда бошланган умумий забастовка «инглиз мустамлакачиларига берилган биринчи кучли зарбадир», деди.

ТАСС ВА ЧЕТ ЭЛ ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕГРАММАЛАРИДАН

УРУГВАЙ КОМПАРТИЯСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ

МОНТЕВИДЕО. Мамлакатдаги энг катта Пеньяроль саройида Уругвай Компартиясининг 45 йиллигига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди, КПСС делегациясининг бошлиғи В. И. Степаков ва бошқалар сўзга чиқдилар.

В. И. Степаков нутқ сўзлаб, КПСС Марказий Комитетининг Уругвай Компартиясига йўллаган табрикномасини ўқиб берганида, гулдурос қарсаклар ва «Яшасин Ленин Компартияси!», «Уругвай ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин!» деган хитоблар янгради. В. И. Степаков Ленин портретини КПСС Марказий Комитети номидан Уругвай коммунистларига совға қилиб топширди. Уругвайнинг миллий қаҳрамони Хосе Артигаснинг бюсти совет делегациясига тақдим қилинди.

Мажлис аҳли қитъадаги барча сиёсий маҳбусларни озод қилишни талаб этувчи резолюцияни якдиллик билан маъқуллади. Улар Америка империализмининг Вьетнамдаги агрессив сиёсатини, АҚШ конгресси вакиллар палатасининг Латин Америкаси халқлари мустақиллиги ва суверенитетига қарши қаратилган шармандали қарорини ғазаб билан қораладилар.

Митингда 10.000 дан ортиқ киши ҳозир бўлди

И. ЛЕНАРТ ПРАГАДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ПРАГА. Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Йозеф Ленарт Чехословакия халқ армиясининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда нутқ сўзлаб, фашизмни тор-мор келтиришда Совет Иттифоқи жаҳоншумул-тарихий роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтди. Совет Иттифоқининг, унинг қаҳрамон халқи ва армиясининг иккинчи жаҳон урушидаги тарихий халоскорлик миссиясини биз ғоят миннатдорчилик билан баҳолаймиз, деди у. Чехословакия партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визитига тўхталиб, Йозеф Ленарт қуйидагиларни айтди: Бизнинг музокараларимиз ҳозирги халқаро аҳволнинг асосий проблемаларидаги, халқаро коммунистик ҳаракат ва жаҳон социалистик системасининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги қарашларнинг бирлигини яна бир карра тасдиқлади.

БОЛГАРИЯНИНГ СУДАНГА ЁРДАМИ

СОФИЯ. Судан ҳукуматининг илтимосига биноан, Болгария Суданга қишлоқ хўжалик авиацияси отрядини юборди. Болгар учувчилари ва мутахассисларидан 60 киши уч ой мобайнида пахтазорлардаги зараркунандаларга қарши курашда қатнашадилар. Ўтган йили бу учувчи ва мутахассисларнинг кўплари Суданда бўлишган ва Судан маъмурлари уларнинг ишини юксак баҳолашган эди.

ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ СЕССИЯСИ

ПАРИЖ. Франция парламенти ҳар иккала палатаси — миллат мажлиси ва сенатининг кузги сессияси очилди. Миллат мажлисининг йиғилиши кун тартибини ишлаб чиқишга бағишланди. Сенаторлар эса, сенат раисини сайладилар. Икки номзод — мустақил Портманн ва сўл кўпчилик номзоди Моннервиль номзодлари кўрсатилган эди. Моннервиль устун чиқди. Сенатдаги коммунистлар группасининг овозга қўйилмасдан аввал эълон қилинган баёнотида биз Моннервиль номзодини қувватлаймиз, дейилган эди. Шу баёнотда коммунист сенаторлар группасининг раиси қилиб Ж. Дюкло сайланганлиги ҳам айтилади.

ЧАД РЕСПУБЛИКАСИДА ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

БАНГИ. Чад Республикаси мактабларида янги ўқув йили бошланди. Мамлакатдаги бошланғич ва ўрта мактабларда 167 минг бола ўқишга киришди. Бу ўтган ўқув йилидагидан 22 минг киши кўпдир.

ЗАБАСТОВКАЛАР

АНГЛИЯ. Кардиффнинг 270 га яқин докери маъмурият иш ҳақини ошириш тўғрисида уларнинг талабларини қондиришдан бош тортгандан кейин забастовка эълон қилди. Портдаги тўрт кемадан юк туширилмай қолди.

Бристоль ва Эйвонмут докерлари иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, курашни давом эттирмоқдалар. Ана шу портлардаги 27 кемада юк тушириш ва ортиш ишлари тўхтатиб қўйилди.

Бир ярим мингга яқин бинокор ишчи 24 соатлик забастовка ўтказди ва Лондон марказида пойтахтдаги қурилиш участкаларидан бирининг иш ташлаган ишчилари билан бирдамлик билдириб, намойиш ўтказди. Ана шу қурилиш участкасида 400 га яқин ишчи касаба союз ҳуқуқларининг бузилишига қарши ўтган ҳафтада норозилик забастовкаси бошлади. Қурилиш компанияси маъмурияти бунга жавобан локаут эълон қилди

ИТАЛИЯ. Миланда шаҳар транспорти ходимлари иш ташламоқдалар. Транспорт компанияси эгаларининг янги меҳнат битимлари тузиш тўғрисидаги музокараларни саботаж қилаётганликларига қарши норозилик билдириб, забастовка эълон қилинди.

ЦЕЙЛОН. Узларининг касаба союз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иш ташлаган Коломбо почта ходимларининг 4 кунлик забастовкаси ғалаба билан тугади. Цейлон бош министри почта ва телеграф ходимлари бир ўриндан иккинчи ўринга фақат касаба союзларининг розилиги билан кўчирилади, деб забастовкада қатнашган бир неча касаба союз раҳбарларини ишонтиргандан кейингина, иш ташловчилар ишлай бошладилар.

АРГЕНТИНА. Мамлакат санитария хизмати ишчи ва хизматчилари ўзларининг касаба союзи чақириғига биноан маъмурларнинг иш ҳақини оширишдан бош тортганликларига қарши норозилик билдириб, 24 соатлик забастовка эълон қилдилар.

Забастовкада 30 мингга яқин киши қатнашмоқда. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

6 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт (ўзб.). 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус.), 8.25 — Концерт (ўзб.).

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Кичик концерт (ўзб.). 10.10 — Раков. «Симфониетта» (рус.). 10.30 — Камер асарлар (ўзб.), 11.10 — «КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари — амалга» «Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ленинча услуби» (ўзб.), 11.25 — Концерт (ўзб.), 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.). 13.40 — Енгил куйлар (рус.). 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 — «Лайли ва Мажнун» (рус.). 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси (ўзб.). 18.10 — Гитара пьесалари (рус.). 18.30 — Оркестр пьесалари (ўзб.). 19.20 — Козоқ куйлари, 20.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (рус.). 20.45 — Улар 1966 йил ҳисобига ишламоқдалар (ўзб.). 21.20 — Одоб ва тарбия темасида (ўзб.). 21.30 — О. Ёқубов. «Тилла узук». Радиопостановка (ўзб.). 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари (ўзб., рус.). 23.20 — Адабий-музикали эшиттириш (ўзб.).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Юлдузча тележурнали. 19.00 — Жаҳон ҳафта ичида. 19.15 — Терим илғорларига тенглашинг (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.35 — Композитор И. Акбаров. «Тошкентнома». 20.25 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.30 — Телевизион янгиликлар. 20.45 — Инсон ва қонун. 21.35 — Сўнгги янгиликлар. 21.45 — Данте кўчасидаги қотиллик (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Пионер ишлари. 18.35 — Тошкент янгиликлари. 18.45 — Молдавияда Озарбайжон санъати ҳафталиги (ҳужжатли фильм). 19.05 — Ёш эр-хотин қиссаси (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20.45 — Сатирик фильм. 21.05 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — «Гомсельмаш» (телефильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/X да Мирандолина, 7/X да Майсаранинг иши.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/X да Алишер Навоий, 7/X да Хатарли йўл.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Грузин цирки артистларининг гастроли.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Кул ва олмос — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «ВОСТОК», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Улуғбек юлдузи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда); «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6, 8 ва 10 да).

Севгили — «МИР» НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Узоқ юлдуз нури (1 ва 2-серия) — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Неаполнинг тўрт куни — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз қандай экан — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да).

Ажойиб шаҳар — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Александр Пархоменко — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Самолётлар қўнолмади — НАВОИЙ номли (кундуз соат 5 да ўзбек тилида).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 да бошланади)

Узоқ юлдуз нури (1 ва 2-серия) — «САЛЮТ», «ПАХТАКОР».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 234. ИНДЕКС 64543. Р. 11668